

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti

Iqtisodiyot va mehnat sotsiologiyasi kafedrası

Demografiya: Mehnat iqtisodiyoti mutaxassisligi bo'yicha

DISSERTATSIYA ISHI

**” Aholini ish bilan bandligini ta'minlash tizimini takomillashtirishning asosiy
yo'nalishlari”**

Bajardi: Rahimova Ruhangiz

Ilmiy rahbar: prof. R.Seytmuratov

SAMARQAND – 2016

MUNDARIJA

I-Bob. BOZOR MUNOSABATLARI RIVOJLANISHI SHAROITIDA AҲОЛИНИ ИШ БИЛАН BANDLIGINI ТАЪМИНЛАШНИНГ NAZARIY ASOSLARI.....

- 1.1. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти
- 1.2. Аҳолини иш билан bandligining shakllanishi va tasnifi
- 1.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишда давлатнинг роли ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

II- Самарқанд вилояти аҳолисининг иш билан бандлигини Bob. таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларининг ҳозирги ҳолати таҳлили

- 2.1. Вилоят ривожланишида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларининг аҳамияти
- 2.2. Самарқанд вилоят аҳолисининг иш билан бандлигини таҳлили ва унинг ҳудудий хусусиятлари
- 2.3. Аҳолининг иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари

III- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолининг иш Bob. билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари

- 3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида касаначилик — аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий омили
- 3.2. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

XULOSA

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, “2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил етилганини катта мамнуният билан қайд етишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 604 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда”¹.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўзининг муносиб келажагини таъминлашни ва жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторидан жой олишни зарурат қилиб олди. Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотлар амалга ошириш учун, аҳоли иш билан бандлигини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий механизмларини яратади.

Иш билан бандлик ижтимоий тотувлик ва барқарорликка эришувнинг, жамият иқтисодий ривожининг муҳим омилidir. Ўтиш даврида иш билан бандлик соҳасидаги ҳукуматимизнинг инсон омилига қаратилган стратегиясида меҳнатга қодир ҳар бир инсон ўз қобилиятларини ўстириш ва ўз меҳнат тарзини таъминлаши учун шароитлар яратиши назарда тутилади.

Зеро, Президент И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладди. “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 22 январь, №16 (5183).

ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. ... Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди¹”.

Ҳозирги шароитда иқтисодий ўсиш барқарорлашувини таъминлашда бир қатор муаммоларни ечиш тақозо этилади. Масалан, устувор ривожланаётган тармоқларда тармоқлар тузилмавий таркиби ўзгармоқда, иқтисодий ривожланиши суръатлари ишлаб чиқаришда банд бўлган ортиқча ишчи кучи ва ходимларни бошқа ишларга жалб этиш вазифалари кучаяди. Бу эса, мамлакат, тармоқлар, ҳудудлар миқёсидаги иш билан бандликда жиддий ўзгаришлар амалга оширишни, даставвал эса, бундай ўзгаришларни назарий жиҳатдан асосланган ҳолда жорий қилиш талаб қилинади.

Бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида мамлакатимизнинг кўп миллионли меҳнат ресурсларни оқилона иш билан бандлигини таъминлаш зарурияти туғилмоқда. Шу сабабли аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларини ва уни такомиллаштириш муаммосини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, иш билан бандлик, ишсизлик муаммоларини ўрганиш, истиқболни белгилаш аҳамияти, услублари ва афзалликлари, бандликнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли классик иқтисодчи-олимлар А.Смит, Д.Рикардо, К.Макконелл, А.Маршалл, А.Оукен, И.Фишер, Д.Кейнс, П.Самуэльсон асарларида кенг ёритилган. Ўтиш даврида аҳоли бандлигининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг амалий ва назарий муаммолари ҳамда башоратлаш усуллари

¹ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -566. 24-25-бетлар.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Р.Агабекян, Г.Авагян, Н.Волгина, Ю.Одегов, Л.Костин, А.Жуков, В.Куликова, В.Плакся ва бошқалар томонидан ўрганилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Абдурахмонов, Г.Саидова, С.Ғуломов, О.Ата-Мирзаев, Р.Убайдуллаева, Ш.Холмўминов, Л.Максакова, Н.Зокирова, Д.Рахимовалар томонидан ҳам ушбу муаммолар тадқиқ этилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади – иқтисодийни модернизация қилиш шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва унинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича назарий ва илмий асосланган таклиф ва тавсияномаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун **магистрлик диссертацияси олдида қуйидаги асосий вазифалар** қўйилади:

- аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти ўрганиш;
- аҳолини иш билан bandligining shakllanishi va tasnifiни ёритиб бериш;
- аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишда давлатнинг роли ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб бериш;
- вилоят ривожланишида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Самарқанд вилоят аҳолисининг иш билан бандлигини таҳлили қилиш;
- аҳолининг иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш;
- иқтисодийни модернизациялаш шароитида касаначиликни ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий омили эканлигини ёритиб бериш;

- аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари мазкур муаммолар ечими юзасидан аниқ хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва уни такомиллаштириш тизими ҳисобланади. **Тадқиқот предмети** - аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатларни ўрганишдан иборат.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ҳамда меҳнат бозори ва аҳоли иш билан бандлиги, ишсизлик муаммолари бўйича ватанимиз ва хориж иқтисодчи олимларининг илмий ишлари ташкил этади.

Мазкур тадқиқотнинг асосини ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат Статистика қўмитасининг маълумотлари ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти ўрганилган;
- аҳолини иш билан bandligining shakllanishi va tasnifiни ёритиб берилган;
- аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишда давлатнинг роли ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб берилган;
- вилоят ривожланишида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларини таҳлил қилинган;
- Самарқанд вилоят аҳолисининг иш билан бандлигини таҳлили қилинган;

- аҳолининг иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичларини аниқланган;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида касаначиликни ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий омили эканлигини ёритиб берилган;

- аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича муаммолар ечими юзасидан аниқ хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий-амалий тавсиялари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асоси сифатида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кейинчалик тадқиқ этиш учун назарий асос сифатида қўлланилиши мумкин. Диссертация аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш жараёнини тўлдиради, шунингдек, унда меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланишни яхшилаш вазифаларини ҳал этишга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу диссертациянинг илмий-амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида, шунингдек, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш мақсадларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларида, туман бандликка кўмаклашиш марказларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари олий ўқув юртларида «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Меҳнат бозори иқтисодиёти» каби фанларни ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Ишнинг таркиби, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ: кириш, мавзунинг асосий мазмуни ва моҳиятини ифодаловчи саккизта саволлардан иборат учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва

вазифалари, объекти ва предмети, назарий – услубий асослари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ҳолати таҳлили ва иш билан бандликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари кўрсатиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида, Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг якуний, яъни хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар олинган ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан фикр – мулоҳазалар билдирилган ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор таклифлар берилган.

I-BOB. BOZOR MUNOSABATLARI RIVOJLANISHI SHAROITIDA AҲОЛИНИ ИШ БИЛАН BANDЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ NAZARIY ASOSLARI

1.1. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий- иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати фақат одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга яроқли аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган бизнинг республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқариши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлар аҳолини иш билан таъминланишига боғлиқдир. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолатининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган этиёжларини қондиришга алоқадордир.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда”¹

Аҳолини иш билан бандлиги уларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъий назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиши юзасидан ўзаро

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 24-бет.

киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

Бироқ аҳолини иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компоненти билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Аҳолини иш билан бандлик тушунчасини фуқаронинг ўз шахсий ва жамоат эҳтиёжини қондирадиган ҳамда даромад келтирадиган фаолияти деб тушуниш мумкин. Иш билан бандликни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар тизимида меҳнат ресурсларини етиштиришнинг табиий асоси сифатида қараш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасида қайд этилганидаек: «Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир».¹

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқий фуқароларга тегишлидир².

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиши учун асос бўла олмайди.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қўйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик фуқароларнинг қонун

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. – Т.: «Шарқ», 2004, 19 бет.

² Мамараимов Қ. «Қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги» Бозор, пул ва кредит 2009, октябрь, 70-бет

хужжатларига зид қилмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини кондиритиш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир².

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминланишнинг муайян модели (концепцияси) мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиқ беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахсини, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш

омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун авваллари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ гапираётганлиги бежиз эмас.

Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси – жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиқ берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир.

Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги қонунга мувофиқ қўйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: “Mehnat”, 2009, 274-б.

- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

- қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар¹.

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, харбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Шунингдек, фойда ёки оилавий даромад олиш учун иш билан банд бўлганлар тоифасига киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ қўйидаги сабабларга кўра вақтинчалик иш жойида бўлмаган фуқароларнинг иш жойи сақланиб қолади ва улар иш билан таъминланган деб ҳисобланадилар:

- давлат ва жамоат вазифаларини бажараётган вақтда;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарганда;

¹ Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Т.: Ўқитувчи, 2004. 82-б.

- жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қўйидагилар киради:

- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли учун, шу жумладан ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда беш мақом бор.

1. Ёлланма ходимлар – булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисида тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш ҳақини оладилар.

2. Якка тартиб асосида ишлайдиганлар – мустақил равишда фаолият олиб борадиган, ўзларига даромад келтираётган иш билан шуғулланадиган, фақат қисқа муддатга ёлланма ходимлардан фойдаланадиган ёки фойдаланмайдиган шахслар.

3. Иш берувчилар – ўзининг ҳиссадорлик жамиятини, хўжалик ширкати ва ҳоказони бошқарадиган ёки бунинг учун давлат томонидан вакил қилинган шахслар. Иш беручи ўз функцияларини ёлланма бошқарувчига тўлиқ ёки қисман топшириб қўйиш, корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун жавобгарликни ўзида олиб қолиш мумкин.

4. Оилавий корхоналарнинг ҳақ тўланмайдиган ходимлари – қариндошга тегишли бўлган оилавий корхонада ҳақ олмасдан ишлайдиган ходимлардир.

5. Иш билан таъминлаш мақоми бўйича таснифлашга тўғри келмайдиган шахслар – илгари ўзларига даромад келтирадиган меҳнат фаолияти таъминланишнинг бирон – бир мақомига мос келмайдиган шахслар ҳам киритилади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, унга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган, бу тамойиллар иш билан бандлик муносабатларига бозор хусусиятидан келиб чиқади ва у бир неча тамойиллар билан ифодаланади. Биринчи тамойил фуқароларнинг умумий ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқидир. Меҳнат қилишга мажбур этишга (қандай шаклда бўлмасин) йўл қўйилмайди. Фақат қонунда алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир¹.

Шундай қилиб, республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний кадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян қадам қўйилган бўлиб, бу кадриятлар орасида энг муҳими **меҳнатнинг ихтиёрийлигидир**. Эндиликда ижтимоий меҳнатда иштирок этиш керак эмаслигини танлашдан иборат устувор ҳуқуқ инсоннинг ўзига тегишлидир.

Миллий иқтисодиётда, аҳолини меҳнат билан таъминлаш эндиликда амалда ижтимоий фойдали фаолиятининг бирдан-бир соҳаси ҳисобланмайди. Меҳнатнинг умумийлиги ҳуқуқий бурч сифатида мустаҳкамланган вақтда у ана шундай эди. Меҳнат соҳаси ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби тенг ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда. Ихтиёрий иш билан бандликка барҳам бериш сабаби битта – у ҳам бўлса, тирикчилик воситаларининг ғайриқонуний манбаидир.

Ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқ тамойили инсоннинг ўзига мақул бўлган жойда ўзи

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: “Mehnat”, 2009, 276-б.

хоҳлаган вақт мобайнида ишлаш ҳуқуқини назарда тутати. Ҳар ким ўзи учун қулай вақт ва иш билан бандлик усулини мустақил танлаши мумкин. Жинси, ёши, миллати ва бошқа белгилардан қатъи назар, ҳаммага доимий, қисман, вақтинча, аҳён-аҳёнда бўладиган иш билан бандлик, ўриндошлик билан ишлаш иш вақтини ташкил этишишнинг мослашувчан графикларига ҳосилдир. Касб танлашдаги ҳуқуқнинг чекланмаганлиги ва иқтисодий соҳаларидан бирида меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам муҳим ҳисобланади (бунга яқка тартибда меҳнат қилиш ҳам кириши мумкин).

Фавқулодда танлаш ҳуқуқи ҳақида гапирилганда бу ҳуқуқни жамиятда ҳар кимнинг у ёки бу иш билан бандлик тури ёки касбга бўлган эҳтиёжини қондириш мажбурияти билан тенглаштириш тўғри бўлмайди. Жамият барчага ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг ҳуқуқий шарт – шароитлар яратиб бериши керак. Масалан, агар бирор киши тадбиркор бўлмоқчи экан, жамият унинг учун ҳуқуқий шарт – шароитлар бериши лозим, лекин бу киши тадбиркор бўлиш-бўлмаслиги унинг шахсий фазилатларига боғлиқдир.

Бундай иш билан бандликнинг иккинчи тамойили – фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун давлатнинг шарт-шароитлар яратиб бериш кераклиги ойдин бўлади. Иш билан бандлик сиёсатида уни қаттиқ тартибга солишдан воз кечиш, ижтимоий соҳада меҳнат қилишнинг мажбурий эмаслиги, ижтимоий фойдали меҳнат қилишнинг ҳар қандай соҳасини танлаш эркинлиги ва ихтиёрийлиги орқали инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини намоён бўлишига ёрдам бериш асос қилиб олинган.

Давлатнинг иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили асосида меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шарт – шароитлар яратиб бериши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан эркин иштирокчилари иқтисодий хулқ-атворида бевосита усуллар билан тузатиш киритишдан иборатдир. Бунда давлатнинг иш билан бандликка бевосита таъсир кўрсатиш чоралари рағбатлантирувчи тадбирларининг устуворлигига асосланади. Бу ўринда меҳнаткашларнинг тадбиркорлар ва ҳудудларнинг

ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини бузадиган воситалар бўлмаслиги керак. Иш билан бандликка таъсир кўрсатишнинг ўзини очиб бериш асосида уни (бандликни) исталган йўналишда шакллантириш жараёнини бевосита тўғри йўлга солиш ётади. Иш билан бандликка кўмаклашиш таъминоти ижтимоий меҳнат муносабатлари субъектларининг тараққиёт йўналишларини ишлаб чиқишда ва уни тартибга солишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этишларидан ҳам иборатдир. Бу субъектлар ёлланма ходимлар, иш берувчилар бўлиб улар касаба уюшмаларига, ассоциациялар ва иттифоқларга бирлашганлар.

Бу кучларнинг иш билан бандликни ривожлантиришда яқиндан ўзаро ёрдам беришлари иш билан бандликнинг ҳолатига фаол таъсир кўрсатиб, унинг сифат жиҳатларининг ҳар томонлама яхшиланишига ёрдам беради. Бундай жиҳатларга иш билан банд аҳолининг маълумот ва касб-малака таркиби, унинг тармоқ ва демографик тузилиши, юқори ижтимоий иқтисодий ҳаракатчанлик, рақобатдошлик ва шу кабилар киради.

Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат – инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англаганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради. Меҳнат – ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жарёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли улароқ, иш билан бандликни одамларнинг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

1.2. Аҳолини иш билан bandligining shakllanishi va tasnifi

Bozor iqtisodiyotiga rivojlanish sharoitlarida ish bilan bandlik hamda uning tashkil qiluvchilari muammosi ham nazariy, ham amaliy jihatlarda yangicha ma'no kasb yetadi. Mehnat bozori ish bilan bandlikni tartibga solishda faol o'rinni yegallaydi. Mehnat bozorida asosiy milliy resurs — ishchi kuchi shakllanadi hamda korxonalar, tarmoqlar va mintaqalar bo'yicha taqsimlanadi.

Mehnat bozori iqtisodiy faol aholining ish bilan bandligini, ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohasiga jalb yetilishini ta'minlaydi. U xodimning o'zi uchun yanada mosroq ish joyiga o'tishini yengillashtiradi. Mehnat bozori orqali korxonalar zarur miqdorda va talab qilingan sifatga yega ishchi bilan ta'minlanadi. Mehnat bozori qanday kadrlar, mutaxassislar, kasblarga talab borligini, ulardan qandaylari ortiqchaligini ko'rsatadi. Bu ko'pgina mamlakatlar uchun dolzarb muammodir. Uning hal yetilishi jamiyatning ijtimoiy taraqqiyotini ta'minlashga qodir bo'lgan samarali iqtisodiyotning yaratilishini anglatadi.

Ish bilan bandlikni ishchi kuchiga talabni kengaytirishga (ularni foydali faoliyatga jalb qilish ko'lamlari, shart-sharoitlari va shakllarini ta'minlashga, ish bilan band bo'lgan xodimlarni shakllantirish, taqsimlash, foydalanish, bo'shatish, qayta tayyorlash va qayta taqsimlashga) yo'naltirilgan chora-tadbirlar va harakatlar yig'indisi, deb ta'riflash mumkin.¹

Bu konsepsiya doirasida to'la oqil (rasional) va samarali bandlik farqlanadi. **Ish bilan «to'liq» bandlik** sosializmdagi mehnatning umumiyligi va majburiyligining aniq ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan amalga oshirilishidir. U mehnatga layoqatli aholiga ijtimoiy foydali mehnat bilan shug'ullanishning haqiqiy imkoniyatlarining berilishi bilan bog'liq. Yuqorida aytib o'tilgan kamchiliklarni hisobga olib, to'liq ish bilan bandlik darajasi bozor iqtisodiyotiga moslashib boradi. Mehnatga qobiliyatli aholini ijtimoiy xo'jalikka jalb qilishning yeng yuqori darajasi sifatida talqin qilish ham o'zgarib boryapti. Ish bilan to'liq bandlikka aholini jalb qilishning har qanday darajasida yerishish mumkin, bunda u aholining

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). — Т.: "Mehnat", 2009, 279-б.

ish o'rinlariga bo'lgan yehtiyojlarini qondirishga muvofiq kelishi, taklif yetilayotgan ish o'rinlari iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq oqilona (samara) bo'lishi lozim. Bu o'rinda iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq ish o'rni deganda shunday ish o'rni tushuniladiki, u insonga yuksak mehnat unumdorligiga yerishish va o'zining, oilasining yaxshi yashashi uchun yetarli bo'ladigan ish haqiga yega bo'lish tushuniladi, shu bilan birga bu ish o'rni uning salomatligiga zarar yetkazmasligi va insoniy qadr-qimmatini yerga urmasligi kerak.

Shunday qilib, ish bilan to'liq bandlik mehnatga qobiliyatli barcha fuqarolarni kasbiy mehnat sohasiga jalb qilishni anglatmaydi. Inson o'z istagi bo'yicha ijtimoiy foydali bandlik sohalaridan birini (xalq xo'jaligidagi kasbiy mehnatni, uy xo'jaligini va shu kabilarni) tanlashga haqlidir. Biroq tartibga soluvchi asosiy faoliyat turi daromad keltiruvchi, shaxs farovonligini oshiruvchi va rivojlantirishini ta'minlovchi kasbiy mehnat bilan band bo'lishdir. Kasbiy mehnat bilan band bo'lish darajasi xodimlar umumiy sonining (ular ishlayotgan korxona qanday tashkiliy-huquqiy shaklga yega bo'lishidan qat'i nazar) mehnat resurlari soniga nisbati bilan belgilanadi hamda mehnat unumdorligi va jamiyat rivojlanishining ijtimoiy samaradorligi sohasida yerishilgan yutuqlarni aks yettiradi. Buning ma'nosi shuki, ish bilan bandlikdagi mazkur proporsiya ishlab chiqarish samaradorligini oshirish manfaatlariga, uni jadallashtirish natijalariga, fan-texnika taraqqiyoti mehnat unumdorligini oshirish manfaatlariga to'liq mos kelsa, shuningdek, sog'lom avlodni yetishtirishga, yuqori malakali, yaxshi ta'lim olgan serharakat xodimlarni tarbiyalashga qulay sharoit yaratib bersa, bunday bandlik proporsiyasi yeng maqbul (optimal) deb hisoblanadi.

Yuqorida sanab o'tilgan barcha sharoitlarga javob beradigan ish bilan to'liq bandlik unumdor ish bilan bandlik deb atalishi mumkin. Bunda biz unumdor ish bilan bandlik samarali mehnat bilan ayni bir narsa yemasligiga asoslanamiz. Samarali mehnat unumdor ish bilan bandlikning tarkibiy qismi hisoblanadi. Pirovard natijada to'liq va unumdor ish bilan bandlik uzviy birlikda bo'ladi. Agar ish bilan to'liq bandlikka iqtisodiy jihatdan nomaqbul ish o'rinlari yoki munosib tirikchilik o'tkazishni ta'minlamaydigan ish o'rinlari bilan yerishilsa, u

xodimlarning kasb-malaka va ta'lim darajasiga yoki xalq xo'jaligidagi vazifalarga zid bo'lsa, malakali kadrlar tayyorlash va normal demografik rivojlantirishni ta'minlashga xalaqit bersa, aholining bunday ish bilan bandligi umuminsoniy qadriyatlarga yordam bermaydi va ijobiy deb hisoblanishi mumkin yemas.

Ish bilan bandlik maqomi. Ish bilan bandlik munosabatlari. Ish bilan bandlik maqomi ijtimoiy foydali faoliyatda ishtirok yetuvchi mehnat resurslarining bir qismi uchun belgilanadi. Bular daromad olish maqsadi bilan tovarlar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish uchun ish kuchini taklif qiladigan kishilar guruhi, shuningdek, ijtimoiy foydali faoliyatda ishtirok yesa ham bevosita pul daromadi keltirmaydigan aholi guruhi yoxud ne'matlar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish bilan bevosita bog'liq bo'lgan daromad keltiradigan kishilar guruhidir.

Birinchi guruhga iqtisodiyotning davlat sektorida band bo'lgan kooperativ, aksiyadorlar jamiyatlarida, xususiy sektorda ishlaydigan fuqarolar kiradi. **Ikkinchi guruhga** ishlab chiqarishdan ajralgan holda ta'lim oladigan o'quvchilar, respublika qurolli kuchlarining xizmatchilari kiradi.

Shunday qilib, band aholiga yollanib ishlaydigan fuqarolar, shu jumladan, to'liq yoki noto'liq ish kuni (hafta) mobaynida haq olib ish bajaradigan, shuningdek, tegishli shartnoma, bitim bilan tasdiqlangan haq to'lanuvchi ishga yega bo'lgan kasalligi, ta'tilga chiqqanligi munosabati bilan ishda bo'lmagan fuqarolar kiradi. O'zini mustaqil ravishda ish bilan ta'minlaydigan shaxslar, shu jumladan, tadbirkorlar va fermerlar, harbiy qismlardagi qo'shin turlarida xizmat qilayotgan shaxslar, o'quvchilar ham ish bilan band kishilar jumlasiga kiradi.

Ish izlayotgan, ishini o'zgartirayotgan, vaqtincha ishlamayotgan aholi va ishdan ajralgan holda o'qimayotgan, ishning mavsumiy yekanligi tufayli vaqtincha ishlamayotgan aholi iqtisodiy faol ish bilan band bo'lmagan aholiga mansubdir. Ishsiz maqomiga yega bo'lgan shaxslar ham iqtisodiy faol ish bilan band bo'lmagan aholi jumlasiga kiradi.

Ish bilan bandlik munosabatlari iqtisodiy, demografik va ijtimoiy jarayonlar bilan bog'liq bo'ladi. Ish bilan bandlikning iqtisodiy mazmuni xodimning o'z mehnati bilan o'ziga munosib hayot kechirishni ta'minlash va ijtimoiy ishlab

chiqarish samaradorligining o'sishiga yerishish imkoniyati bilan ijtimoiy mazmuni shaxsni shakllantirish va rivojlantirish bilan ifodalanadi.

Ish bilan bandlikdagi tarkibiy tanazzulning bevosita oqibatlari va ishchi kuchiga bo'lgan talab qisqarishining bevosita oqibatlari, aqliy mehnat kishilarining boshqa mamlakatlarga ketib qolishi, shuningdek, ichki ketib qolish — ilm-fan sohasidan va ilmiy bilimlar ko'proq talab qilinadigan ishlab chiqarish tarmoqlaridan xodimlarning vositachilik sohalariga, shuningdek, malakasini yo'qotib, norasmiy faoliyat sohalariga o'tib ishlashidir. Qayd qilingan ishsizlik darajasidagi tarkibiy orqaga ketish ish bilan bandlik xizmati mijozlari orasida mutaxassislar ulushining yuqori yekanligida namoyon bo'lmoqda. Holbuki, kadrlar potensialini, ayniqsa, oliy va o'rta maxsus ma'lumotli mutaxassislarni shakllantirish uzoq vaqtni hamda mablag'ni talab qiladi.

Bugungi kunda ish bilan bandlik qator omillar ta'sirida shakllanadi:

1. Qayta qurish jarayonlari keltirib chiqargan iqtisodiyotdagi global tuzilmaviy o'zgarishlar, ya'ni:

- davlat sektori transformasiyasi;
- davlat korxonalarini xususiylashtirish;
- xo'jalik yuritishning yangi shakl va turlarini rivojlantirish (kooperasiya, ijaradagi korxonalar va boshqa mehnat jamoalari);
- zarar keltiradigan, yekologik zararli korxonalarni tugatish;
- respublika vazirliklari va idoralari, jamoat tashkilotlarining boshqaruv apparatini qisqartirish.

2. Ishlab chiqarish sohasida sodir bo'layotgan o'zgarishlar:

- xom ashyo, materiallarni yetkazib berish va moliyalashning kamayishi munosabati bilan ishlab chiqarish (ish, xizmatlar) hajmining kamayishi;
- bozorga o'tish oqibati sifatida korxonalarda mehnatni tashkil yetish va unga haq to'lashning takomillashtirilishi;
- korxonalar boshqaruv tuzilmalarining takomillashtirilishi.

3. Iste'mol savatining qimmatlashuvi oqibati sifatida aholi turmush darajasi, uning daromadlari va iste'moli darajasidagi o'zgarishlarda namoyon bo'ladigan iqtisodiy omillar.

4. Omillarning ijtimoiy-demografik guruhi:

- mehnatga layoqatli aholi soni;
- tabiiy o'sish va o'lish miqdori (ayniqsa, mehnatga layoqatli yoshda);
- migrasiya jarayonlarini faollashtirish;
- kadrlar qo'nimsizligining keskinlashuvi.¹

Ish bilan bandlikning hozirgi holati ko'p jihatdan mehnat va ijtimoiy siyosat sohasidagi o'zgarishlarga bog'liqdir. Hozirgi kundagi ish bilan bandlik xarakteri mehnatga layoqatli aholining davlat xo'jaligiga asossiz yuqori darajada jalb qilinganligi bilan farqlanadi. Bu ko'p jihatdan ish joylari bilan ijtimoiy-demografik omillar ta'sirida shakllanadigan mehnat resurslari miqdori o'rtasida miqdoriy muvozanasizlik va aholining tabiiy hamda migrasion harakati jarayonlarida farqlar borligiga bog'liqdir.

Davlat korxonalaridagi ish haqi darajasining narxlar inflyasion o'sishidan ortda qolib borishiga ko'ra yoshi mehnatga layoqatli aholi uchun mehnat tartibiga nisbatan katta majburiylik xos bo'lgan (konveyer tizimi, ko'p dastgohlilik va boshqalar, tor mutaxassislik, og'ir va zararli mehnat sharoitlari), ish haqi bilan qoplanmaydigan ish joylari ye'tiborsiz bo'lib boradi. Mehnat resurslaridan samarali foydalanish hamda iqtisodiyotni ijtimoiy yo'naltirilganlik darajasi milliy iqtisodiyotda ish bilan band bo'lganlarning tarkib topgan tarmoq va kasb tuzilmasini yaxshiroq ifoda yetadi.

Ish bilan bandlik sohasidagi vaziyatning o'ziga xos xususiyati quyidagilardir:

- noishlab chiqarish sohasidagi bandlikning o'ta past darajasi (ishlovchilarning aksariyat ko'pchilik qismi moddiy ishlab chiqarish sohasida mehnat qiladi);

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: “Мехнат”, 2009, 282-б.

- kishloq xo'jaligi va sanoatda ish bilan bandlik darajasining nisbatan yuqoriligi.

Ish bilan bandlik tarmoq tuzilmasida ilgari mavjud bo'lgan ijodiy siljishlar sekinlashdi va inson uchun ishlaydigan bir qator yirik tarmoqlarda (savdo, umumiy ovqatlanish va boshqalar) qisqarish tendensiyasi ko'zga tashlanadi.

Ish bilan bandlikning yuzaga kelgan kasb turini industrial deb hisoblash mumkin. U mehnat faoliyati moddiy ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan xodimlar kasbiy tuzilmasining ustuvorligi bilan ifodalanadi, bunda insonning ijtimoiy yehtiyojlarini qondirishga yo'naltirilgan mehnat turlari kamchilikni tashkil qiladi, jismoniy mehnatning ulushi katta.

Ish bilan bandlikning yeng kam deganda to'rt ijtimoiy jihatini (aspektini) hisobga olish kerak bo'ladi:

a) ish bilan bandlik insonning Konstitusiyada belgilab berilgan yeng muhim huquqi — mehnat huquqi bilan mustahkam bog'liqligidir;

b) turmush darajasini va munosib hayot kechirish shart-sharoitlarini shakllantirishda ish bilan bandlik hal qiluvchi rol o'ynaydi. Aynan ish bilan bandlik, mehnat faolligini oshirish hozirgi vaqtda mehnatga qobiliyatli fuqarolar va ular oilalarining turmush darajasini oshirishning yeng muhim kafolatidir;

v) har kimning va umuman jamiyat farovonligining negizi bo'lgan yuqori unumli mehnatning yangi sababini shakllantirish;

g) aynan mehnat faoliyati insonni o'zgartiradi, uning kasbiy imkoniyatlarini ochib beradi va ko'paytiradi, shaxsning rivojlanishini rag'batlantiradi.

Ijtimoiy siyosatning boshqa jihatlari bilan birga qo'shib qaralganda ish bilan bandlik rivojlanishining asosiy yo'nalishlaridan biri deb qaralishi kerak, ushbu yo'nalishlar milliy iqtisodiyotdagi moliyaviy, moddiy va mehnat resurslarini qayta guruhlarga ajratishni, fan-texnika taraqqiyotining ustuvor yo'nalishlarini, shuningdek, ishlab chiqaruvchi kuchlarni joylashtirish, turmush sifati darajasini oshirish yo'llarini belgilab beradi. Bu g'oyat muhim muammolardan biri bo'lib, ish bilan bandlik muammolarini hal qilish, binobarin, butun iqtisodiyotni isloh

qilishning muvaffaqiyati ana shu muammoni ye'tirof qilish va hal yetishga ma'lum darajada bog'liqdir.

Ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotida ish bilan bandlikning **asosiy xususiyatlari**:

- ish bilan to'liq va samarali bandlikni birga qo'shib olib borishni balansli holga keltirish;
- mehnat qilishning ixtiyoriyligi va mehnat sohasida inson huquqlari hamda vazifalarining uyg'unlashuvi, xodimlarning ijtimoiy boqimandaligiga barham berish, munosib turmushni ta'minlaydigan ish topish imkoniyati uchun fuqaro bilan davlatning baravar mas'uliyati;
- mehnat samaradorligini oshirish yo'lida uni sarflash tarmoqlari, sohalar, kasblar va hududlar o'rtasida ishchi kuchining yerkin harakati;
- yangicha mehnat sababi, tadbirkorlik va xodimlarning yuqori unumli mehnat qilishdan kuchli manfaatdorligi;
- bozor iqtisodiyotining salbiy oqibatlarini mehnatkashlar manfaatini ko'zlab, aniq maqsad bilan yumshatib borish.

Bu xususiyatlar ish bilan bandlikning yangi sifat xususiyatlarini belgilab beradi, ularning shakllanishiga tegishli ish bilan bandlik sifati mos kelishi lozim. Biz ish bilan bandlik siyosatini qo'yilgan maqsadlarga yerishish uchun jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga bevosita va bavosita ta'sir ko'rsatish choralari majmui sifatida qarab chiqamiz. Bunda ish bilan bandlik siyosatining maqsadlari ish bilan bandlikning normativ holatini aks yettirishi kerak, hozirgi kun muammolarini hal qilish bilan bunday holatga yerishish mumkin.

Ish bilan bandlik siyosati bir necha darajaga yegadir: umumdavlat (makrodaraja), mintaqaviy va mahalliy darajalar. Ish bilan bandlik siyosatining barcha darajalari yagona ish bilan bandlik konsepsiyasi bilan birlashgan bo'ladi, bu konsepsiya iqtisodiy rivojlanishning qabul qilingan tipini aks yettiradi.

Makrodarajadagi ish bilan bandlik siyosati ijtimoiy bozor iqtisodiyotidagi ish bilan bandlikning asosiy xususiyatlarini shakllantirishga: fuqarolarning mehnat qilish huquqini amalga oshirish va yuqori turmush darajasiga

yerishishning zarur sharti bo'lgan ish bilan to'liq bandlikni ta'minlashga qaratilgandir. Ma'lumki, bozor iqtisodiyoti boshqaruv usullarida iqtisodiyot samaradorligini oshirishga, xo'jalik yuritish sohasi iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq bo'lmagan ish o'rinlarini siqib chiqarishga, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish va aholining iste'mol talabini qondirish uchun ishchi kuchini qayta guruhlariga bo'lishga qaratilgandir. Bunday sharoitda ish bilan to'liq bandlikka ko'maklashish strategik maqsad bo'lib qoladi.

Aholining ish o'rinlariga bo'lgan talabining pasayishiga, uning ayrim guruhlarining haddan tashqari ish bilan bandligiga barham berish, buning uchun bolali ayollar, ishni o'qish bilan qo'shib olib borayotgan yoshlarga, pensionerlarga ijtimoiy yordam ko'rsatish dasturini takomillashtirishga mehnat unumdorligini oshirishni jadallashtirish sharoitida ish bilan to'liq bandlikni ta'minlashning zarur sharti deb qaralishi kerak. Bu yerda gap mehnat resurslarini mehnat sohasi, o'qish va ish bilan ixtiyoriy bandlik sohalari o'rtasida ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan qayta guruhlariga bo'lish haqida bormoqda.

Ish bilan bandlik sohasini demokratlash, mehnat kishisini ozod qilish ish bilan bandlikning qattiq tartibga solingan shartlaridan voz kechish, mehnatga qobiliyatli aholining turli guruhlarini shaxsiy manfaatlarini bilan kasb imkoniyatlarini baravarlashni bildiradi. Tadbirkorlik yoki bajaruvchilik faoliyati, davlat xizmatini yoki o'z tijorat ishlarini ma'qul ko'rish butun mehnatga qobiliyatli davr mobaynida yoki uning ayrim bosqichlarida ishlash, mehnat rejimining turli-tumanligi — bularning hammasi fuqarolarning xilma-xil kasbiy manfaatlarini qondirish uchun zarurdir.

Dunyoda bozor iqtisodiyoti rivojlangan biror mamlakat yo'qki, unda ish kuchiga bo'lgan talab va taklif muvozanatiga mehnat sohasida moslashuvchanlikni — to'liq ish vaqtiga yega bo'lmagan mehnat rejimini, alohida bo'lingan ish o'rinlarini va hokazolarni keng tatbiq yetmasdan turib yerishib bo'lsin.

1.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишда давлатнинг роли ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 апрель 2007 йилдаги 616-сонли қарорига асосан, меҳнат бозорининг самарали ишлаши ва тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг энг муҳим вазифалари деб ҳисобланган ва унга кўра ушбу вазирликнинг зиммасига қуйидагилар юклатилган:

- минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, демографик омилларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш ҳисобига аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;

- демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

- аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камхарж оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган тарзда ва аниқ ёндашувни кучайтириш;

- меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза ҳилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Меҳнат бозори фаол сиёсат олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири меҳнат бозорининг энг муҳим институти бўлган иш

билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шaroитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Бундан ташқари, иш билан бандлик хизмати вазифаларига қуйидагилар киради: иш қидирувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган бошқа гуруҳлари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучуни ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандлигига қўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-қувватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш; оммавий ишдан бўшатишларни тўхтатиб қолиш учун компенсация тўловларини амалга ошириш.

Республикамизда давлат иш билан бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Иш билан бандлик хизмати ишининг асосий тамойилларихалқаро тажрибага мос келади. Масалан, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунга кўра давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз фуқаролар даромадларини қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилади. Иш билан бандлик хизмати мурожаат қилган меҳнаткашларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва иш кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор касб эгаллашни

истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади. Иш билан хизмати иш берувчиларга ёшлар, ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари сақлаш ва яратиш дастурларини қўллаб-қувватлашни кафолатлайди. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ишга жойлаштириш бюрolari каби республика иш билан бандлик хизмати органлари иш ўринларини таклиф қилиш ва иш кучига бўлган талаб ва таклиф тўғрисидаги статистик маълумотларни, ахборот материалларини эълон қилиб боришни таъминлайдилар.

Шунинг учун дунёдаги барча мамлакатларда ишсизлар ва ишсиз қолиш хавфи остида турган ходимларнинг касб тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлашдан иборат турли-туман дастурларни ишлаб чиқиш тажриба қилиб кўрилаятир. Бунда мазкур дастурлар биринчи навбатда олдинги касб малакаси иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, ишчи ўринларининг янги касбий тузилишига жавоб бермайдиган кишиларга, шунингдек, аҳолининг заиф ҳимояланган қисмига (ҳозирча зарур касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшларга, меҳнат бозорига қайтишга қарор қилган аёлларга; касбга йўналтиришга эҳтиёж сезадиган ногиронлар ва бошқаларга) қаратилган. Кўпинча таълим олиш учун номзодларни давлат иш билан бандлик хизмати аниқлайди.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов дастурлари давлат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг иштирокида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларнинг бевосита ташкилотчиси кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади, у марказлар ва ўқув курсларининг махсус ташкил этилган шаҳобчаларда, шунингдек, ўқув юртлари ёки корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этади; таълим олувчиларга стипендиялар тўланади.

Иш билан бандлик хизмати давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, ишсизларнинг таълим олиши ва қайта ўқишини уларга маблағлар ажратиш шаклида нафақалар тўлаш орқали рағбатлантиради.

Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонундашсиз фуқаролар ҳам иш билан бандлик хизмати йўлланмаси билан бепул касб танлаш, касб тайёргарлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳуқуқига эгадирлар, деб таъкидланган. Мазкур ҳуқуқлар қонуннинг бошқа моддалари ва бандларида ҳам қафолатланган.

Меҳнат бозоридаги ана шу йўналишини амалга оширишдаги асосий мураккаблик иқтисодиётнинг бўлажак касб-малака тузилиши тўғрисида, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда касб соҳасидаги меҳнатга бўлган эҳтиёж қандай бўлиши ҳақидаги ахборотнинг етишмаслигидадир. Яна бир муаммо ишдан маҳрум бўлган шахсларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёрланишга кам талаб билдиришидир, чунки улар олдинги касблари бўйича ишга жойлашишга умид қиладилар. Меҳнат бозоридаги фаол сиёсатнинг мазкур йўналишини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омил иш билан бандлик хизмати фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг чекланганлиги ҳамдир.

Мустақил иш билан бандлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими. Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани – янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришдир.

Ишсизлар агар ўзларининг мустақил ишларини ташкил этишни хоҳласалар, иш билан бандлик хизматига зарур асослаш билан (бизне-режа билан) лойиҳалар танловида иштирок этиш ҳақида ариза берадилар, бу ерда унинг режасини мутахассислар кўриб чиқиб, ўз хулосаларини берадилар. Агар илтимос қондириладиган бўлса, у ҳолда янги тадбиркор учун бошланғич капитал сифатида унга муайян муддатга бериладиган ишсизлик нафақасининг бутун суммаси хизмат қилади ва бир йўла тўланади.

Ишсизликни камайтиришнинг чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

- корхонада янги ишчи ўринлари ташкил этиш йўли билан аҳолини ишга жалб қилиш;
- жамоат хизматини ташкил этиш;
- хусусий тадбиркорликни ҳамда аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- камёб мутахассисликлар ва касблар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш;
- иш билан бандликнинг турли шакллари қўллаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари хусусида кенг миқёсда хабардор этиб туриш.

Иш билан бандлик хизматининг яна бир вазифаси мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истайдиганларни ўқитишдир. Бу кишилар ишга доир асосий кўникмаларни (нарх белгилаш асослари, муҳосиблик ҳисоби, режалаштириш ва ҳоказолар) ўқиш жараёнида эгаллаб чиқадиладар. Иш билан бандлик хизматининг вазифаси тадбиркорга мустақил иш билан бандлик нималарни билдиришини (масалан, ижтимоий неъматларнинг бирмунча қисқариши, иш вақтининг давомийлиги бирмунча ортиши, юқори даражадаги таваккалчилик, хонавайрон бўлиш эҳтимоли борлиги, қонунларнинг ҳали тўла мукамал эмаслиги ва ҳоказоларни) тушунтиришдир.

Янги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яна қуйидагиларни ўз ичига олади: маслаҳат хизматларини кўрсатиш, имтиёзли қарз бериш, ишлаб чиқариш бинолари, хом ашё билан таъминлаш, хом ашё етказиб берувчилар билан алоқа ўрнатиш ва тайёр маҳсулотни сотиш.

Ҳозирги вақтда мустақил шуғулланиш ва тадбиркорлик ташаббуси асосида кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланиши кенг истиқболга эгадир. Ҳозир иш билан бандларнинг қарийб 15% и мулкчиликнинг барча шаклларидаги кичик корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шундай ҳодисалар, чунончи, хусусийлаштириш, рақобатнинг кучайиши муносабати билан корхоналар ҳажмининг қисқариши, оммавий ишлаб

чиқаришдан мослашувчан ихтисослашувга ўтилиши, шунингдек, таркибий қайта қуриш жараёни, мутахассисларнинг фикрича, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган бошқа мамлакатлардагикаби йирик фирмалардаги янги иш ўринлари кичик корхоналарга нисбатан камроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 15, 23 моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш Республика жамғармасини ташкил қилиш ҳақида”ги 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон қарорига, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 606-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 1993 йил 8-июндаги 277-қарорига, “Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1993 йил 24-июнь 310-қарорига кўра меҳнат бўйича муассасаларига аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан қўшимча иш жойларини бунёд қилиш ҳуқуқи берилган.

Ишчи кучларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари вақтинча молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналарга, турли мулкчилик кўринишдаги янги корхоналарни яратишга кредитлар бериш йўли билан сарфланади.

Бундай маблағлар тўлов, таъминланганлик ва қайтариб бериш шарти билан қисқа муддатга (узоғи билан 1 йилгача) ва устав жамғармаси бадали сифатида тағдим қилинади.

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан бериладиган кредитларнинг ҳисоб ставкаси (проценти, фоизи) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги томонидан пул-кредит муносабатларини тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қўшимча иш жойлари яратиш учун аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан маблағлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқлаган “Бандлик” дастурларига кўра амалга оширилади³.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан қуйидаги тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади:

Аҳолининг рақобатга чидамсиз қатламлари (умумтаълим мактабларини битирувчилар, кўп болали ва ёлғиз аёллар, пенсия арафасидагилар, ҳарбий хизматдан қайтганлар) ва ишсизлар учун, шу тоифадаги шахслар 50%дан кўпни ташкил қиладиган жойларда иш жойлари бунёд қилиш мақсадида молиявий маблағларни ажратиш.

Ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари ҳулосасига кўра корхоналарга ходимларнинг ёппасига ишдан бўшатилишнинг олидини олиш мақсадида ва мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш учун молиявий ёрдам бериш.

Камида 80% гача қурилиш ишлари бажарилган, лекин тугалланмаган ва шу даражага келганда қурилиш тўхтатилган объектларда, шунингдек фойдаланилмаётган ва бўшатишга ишлаб чиқариш майдонларида иш жойларини бунёд этишда қатнашиш.

Корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари билан биргаликда қишлоқ маҳсулотларини ва ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бўйича янги иш жойларини яратиш.

Истисно ҳолларда, алоҳида тоғли, дашт ва саноати ривожланмаган ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш учун бандликка кўмаклашувчи марказларқошида ишга тушириш муддати 6 ойдан ошмаган кичик корхоналар очиш мумкин.

Устивор ривожланиш ҳудудлари аҳолисини қабул қилинган дастурларга мос равишда бандлигини таъминлаш учун тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида амалга оширадиган фаол сиёсатнинг навбатдаги йўналиши ишсизларга вақтинча ва жамоат ишларининг дастурларини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига

³ Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Аҳоли иш билан бандлиги инфраструктураси. Т.: 2000. 66-67б.

кайтишда ёрдам кўрсатишдир. Бундай дастурлар биринчи марта АҚШда 30-йилларда пайдо бўлган эди. Ўша йилларда жамоат ишлари умуммиллий хусусиятга эга эди ва ўзига юқори малакани талаб қилмайдиган ишларни камраб оларди. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда мазкур дастурлар баъзан бутун мамлакатни, кўпинча эса аҳолининг айрим тоифаларини, ҳудудларни ёки даврларни ўз ичига камраб олади.

Мазкур дастурлар ишсизларга махсус касб тайёргарлигисиз ҳамма учун қулай фаолият турларини тақдим этади. Бу дастурларни амалга ошириш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, улар қуйидаги иш турларини бажаришга қаратилган: йўл қурилиши ва уни таъмирлаш, кўприklar барпо этиш ва таъмирлаш (АҚШ ва Японияда); ерларни ўзлаштириш – дарахтлар ўтқазиш, ирригация, каналлар, портлар, аэродромлар қурилиши ва уларга хизмат кўрсатиш; экологик тадбирлар (Австралия тажрибаси). Муниципиал маъмурлар ҳақ тўланадиган ижтимоий жамоатлар ишлари – булар қарияларга, ногиронларга қараш хизматлари ва ҳоказолар (Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси) ҳам мавжуддир.

Кўпинча жамоат ишлари тўлиқ бўлмаган иш куни мобайнида давом қилади, бундан мақсад вақтнинг бир қисмини касб тайёргарлигига ёки доимий иш қидиришга бағишлашдир. Мазкур дастурларнинг қатнашчилари одатда энг кам иш ҳақи оладилар.

Вақтинча ишларнинг ташкил этилиши бир қатор принципларга асосланган. Вақтинча ишлар бандлик хизмати томонидан бевосита ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

1. бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, бундай ишлар жамоат ишларининг махсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;

2. бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

Вақтинча ёки жамоат ишлари дастурларининг самарадорлиги, биринчидан, кўшимча иш ўринлари яратишда намоён бўлади (мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, жамоат ишлари соҳасида ҳар 100та иш ўрни бошқа секторларда 40 та доимий иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади). Иккинчидан, ишсизларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашда намоён бўлади (ҳаммага маълумки, иш билан бандларнинг руҳий ҳолати ишсизларнинг ҳолатидан анча яхшироқдир).

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишчи кучини сотишга тўғанок бўладиган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий чекловлар олиб ташланган. Яъни прописка тизими бекор қилинган, давлат мулки монополияси йўқ, аҳолини иш билан таъминлашнинг давлат механизми тараққий этмоқда.

Ҳозирги пайтда бозор муносабатлари талабига мос равишда меҳнат сифати ўсаётганлиги анъанаси кўзга чалинмоқда. Ташаббускор, лаёқатли меҳнаткашлар гуруҳлари, ўз навбатида, меҳнат шароитига ўз талабларини қўймоқдалар. Албатта, бу жараён кўнгилдагидек кечаяпти, деб бўлмайди. Бунга аввало бизнинг бугунги иқтисодимизнинг ўтиш даврида эканлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иккинчидан эса иқтисодий ислохотлар ўз йўлида маълум қийинчиликларга ҳам учрамоқда. Шу боисдан ҳам аҳолини иш билан банд қилиш муаммосини кўп йиллардан буён бозор иқтисоди шароитида яшаётган айрим давлатлар тажрибасини кўчириб олган ҳолда амалиётга татбиқ этиб эмас, ўзимиздаги мавжуд воқеликни чуқур таҳлил қилган ва етарли сабоқлар чиқарган ҳолда ечиш жоиз.

Умуман олганда, аҳолини иш билан тўла таъмин қилиш ягона ва асосий вазифа бўлиб қолмаслиги керак. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, аҳолини иш билан таъминлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий муҳофазасини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифати ошишига, инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоғи лозим.


II-BOB. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Вилоят ривожланишида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятларининг аҳамияти

Самарқанд вилояти иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятлардан бири ҳисобланади. Ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминлашга, аҳолини иш билан юқори даражада таъминланганлигини, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “... иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш аҳолиимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта”¹.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида давлат иш билан бандлик сиёсати вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилиши зарур. Иқтисодиётни янгилаш шароитида аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлиги бир-бирига тез алмашилиши мумкин. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишда меҳнат бозорининг аҳамияти каттадир. Чунки вилоятда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш вилоятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади (2.1-чизма).

¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 30 январь, №21 (4936).



2.1-чизма. Меҳнат бозорида аҳолини иш билан бандлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири.

Самарқанд вилояти таркибида бугунги кунда 14 та туман, 11 шаҳар, 12 шаҳарча ва 131 та қишлоқ (шаҳарча) фуқаролар йиғини мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сийсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”¹.

Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни меҳнат бозори орқали тартибга солиш фаол роль ўйнайди. Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорини самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бозор иқтисодиёти тизимидаги алоҳида ўрни ва мамлакатда амалга оширилаётган

¹ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 – 31-бет

ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Меҳнат бозорининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш шаклида ифодалаш мумкин.

Эркин иқтисодий ислохотлар шароитида иш билан бандлик ва ишсизлик бир бирига тез алмашилиши мумкин. Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва ишсизликни камайтиришда меҳнат бозорининг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаби айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш иқтисодиётни янгилаш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айниқса, чуқурлашган иқтисодий ислохотлар шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи янада долзарб тус олди.

2.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	Ўсиши, % да
Жами аҳоли сони, млн.киши	27,0	27,4	27,8	103,0
Меҳнат ресурслар сони, млн. киши	15,2	15,7	16,1	105,9
Жами аҳолига нисбатан, %да	56,3	57,4	57,9	-
Иш билан бандлар сони, млн.киши	10,7	11	11,3	105,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2010 йилда 27,8 млн.кишига етган бўлиб, 2008 йилда 27,0 млн.кишини ташкил қилган. Таҳлиллардан кўринадики, Республика аҳолиси 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 3,0 %га ўсиши кузатилган. Республикада меҳнат ресурслари салмоғи ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2008 йилда мамлакат меҳнат ресурсларининг салмоғи 15,2 минг киши бўлса, 2010 йилга келиб 16,1 млн.кишига етган. Меҳнат ресурслари мос даврга нисбатан 5,9 %га ўсиш тенденциясига эга. Республиканинг жами аҳолисига нисбатан меҳнат ресурслари 2008 йилда 56,3 %, 2009 йилда 57,4 % ва 2010 йилда 57,9 %ни ташкил этган. Давлатимиз юритаётган сиёсат ва аҳолини иш билан бандлигини оширишга қаратилга чора тадбирлар натижасида мамлакатда аҳолини иш билан бандлиги ҳам ошиб бормоқда. Жадвал маълумотлари таҳлил қилинганда 2008 йилда Республика миқёсида 10,7 млн.киши иш билан банд бўлган бўлса, 2009 йилда 11,0 млн.киши ва 2010 йилда 11,3 млн.киши иш билан банд бўлган. Уларнинг ўсиш тенденцияси 5,6 %га тенг. Буларнинг барча давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг нечоғлик тўғри ва оқилона эканлигидан далолат беради.

2.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида банд аҳолининг таркиби

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	Ўсиши, % да
1	Маданий ишлаб чиқариш соҳасида	7371	7567	102,7
	шундан,			
2	Саноатда	1497	1537	102,7
3	Қурилишда	947	972	102,6
4	Транспорт ва алоқада	369	379	102,7
5	Савдо ва умумий овқатланишда	1145	1219	106,5
6	Бошқа тармоқларда	494	494	100,0
7	Қишлоқ хўжалигида	2919	2967	101,6
	Жами	7371	7568	102,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан бандлигини таҳлил қилинганда, 2009 йилда маданий ишлаб чиқариш соҳасида 7371 минг киши ва 2010 йилда 7567 минг киши банд бўлишган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 2,7 %га ўсган. Шундан 2008 йилда саноатда иш билан бандлар 1497 минг киши бўлган бўлса, 2010 йилда 1537 минг кишига етган ва мос даврга нисбатан 2,7 % га ошган. Республикада қурилиш соҳасида иш билан бандлар ҳам 2,6 %га, транспорт ва алоқа 2,7 %, савдо ва умумий овқатланиш 6,5 %, қишлоқ хўжалигида бандлар 1,6 га ўсиши кузатилган. Республика бўйича 2009 ва 2010 йилларда бошқа тармоқларда иш билан бандлар улуши ўзгармаган.

2010 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Биз қуйида Самарқанд вилояти аҳолисининг сони, меҳнат ресурслари ва иш билан бандлигини ҳудудий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Mamlakatimizda mehnatga layoqatli aholini ish bilan ta'minlash qancha dolzarbligini to'la tasavvur qilish uchun demografik vaziyatga bir nazar tashlaylik. Bizda aholining tabiiy o'sishi keyingi yillarda bir oz sekinlashganiga qaramasdan, hamdo'stlik mamlakatlari orasida eng yuqoriligicha saqlanib turibdi. Keyingi yillarda, respublikamizda aholining o'sishi o'rtacha 1,5% ni tashkil etmoqda. Bu esa, mehnat resurslarini mutanosib ravishda o'sishiga olib kelmoqda.

2.3-jadval

**Samarqand viloyatida 2006-2010 yillarda qishloq joylarida hisoblangan
mehnat resurslari balansi (ming kishi)**

№	Ko'rsatkichlar	2006 y.	2007 y.	2008 y.	2009 y.	2010 y	2006- 2010 y.y.da o'sish, (%)
1	Doimiy aholi soni	2459,8	2553,8	2595,9	2630,5	2660,6	108,2
2	Mehnat resurslari	1232,7	1254,6	1286,1	1328,2	1403,4	113,8
3	Shundan, iqtisodiy faol aholi	895,3	944,6	983,3	958,4	981,5	109,6
4	Ish bilan band bo'lganlar	844	876,9	902,8	984,3	927,9	109,9
5	Iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lganlar	501,4	530,4	580,2	659,8	702,2	140,0
6	Iqtisodiyotning norasmiy sektorida band bo'lganlar	321,9	346,5	322,6	324,5	248,4	77,2

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, 2006-2010 yillar davomida Samarqand viloyatining qishloq aholisi soni 108,2 %ga ko'paygan. Bu davrlar mobaynida mehnat resurslari 113,8 %ga oshgan. 2006-2010 yillar mobaynida yaratilayotgan yangi va qo'shimcha ish o'rinlarining ortib borishi natijasida ish bilan band bo'lganlar hissasining bu davrlarda 109,9 %ga o'sishiga erishilgan. Shundan iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lganlar hissasi 140,0 %ga o'sgan bo'lsa, iqtisodiyotning norasmiy sektorida band bo'lganlar hissasi 77,2 %ni tashkil etgan.

Bu yillarda ishchi kuchini keskin ishdan bo'shashi aniq bir maqsadda – qishloq xo'jaligidan ortiqcha ishchi kuchini chiqarilishi asosida sodir bo'ldi (2.3-jadval).

Умуман олганда, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда унинг ҳудудий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

2.2. Самарқанд вилоят аҳолисининг иш билан бандлигини таҳлили ва унинг ҳудудий хусусиятлари

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш биринчи навбатда, қишлоқ жойлари аҳолисининг фойдали меҳнат билан банд бўлишини, унинг меҳнат даромадига эга бўлиши, мамлакат учун унинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда бандлигини, аҳолини яшаш шароитини ва турмуш сифатини яхшилашга олиб келади.

Samarqand viloyati bo'yicha 2005-2009 yillar davomida «Aholini ish bilan ta'minlash Dasturi»ning bajarilishi quyidagi jadvalda ko'rsatib o'tilgan (2.4-jadval).

2.4-jadvaldan ko'rinib turibdiki, Samarqand viloyatida ham aholini ish bilan ta'minlash uchun zarur chora-tadbirlar ko'rilmoqda. "Aholini ish bilan ta'minlash" mintaqaviy dasturiga muvofiq 2010 yilda mamlakatda tashkil etilgan yangi ish o'rinlarining 8,9% (63972 mingtasi) viloyat hissasiga to'g'ri keladi. Viloyatda 2010 yilda 7685 ta yangi korxona va tashkilot tashkil etildi.

2.4-jadval ma'lumotlariga ko'ra, Samarqand viloyatida 2007-2010 yillarda ish bilan bandlikka ko'maklashish markazlariga jami murojaat qilganlar hissasi 135,8 %ga oshgan. Shundan ish bilan bandlik markazlari yo'llanmasi bilan ishga joylashganlar bu yillar ichida 134,3 %ga o'sgan. Viloyatda 2007 yilda ish bilan bandlik markazlari orqali ishga joylashganlar hissasi jami ish so'rab murojaat qilganlarga nisbatan 90,6 %ni tashkil etgan bo'lsa, 2010 yilga kelib bu ko'rsatkich 89,5 %dan ziyodroqni tashkil etgan.

Shuningdek, bandlikka ko'maklashish markazlari yo'llanmasi bilan ishga joylashganlar bu davrlar mobaynida 4,3 barobardan ziyodroq o'sgan. Ishga joylashganlar hissasining ish so'rab murojaat qilganlarga nisbatan bu davrlar oralig'ida o'sib borish tendensiyasi ko'zatildi. Bunday o'zgarishlar asosan yangi va qo'shimcha ish o'rinlarining yaratilishi hisobiga amalga oshirilgan.

**Samarqand viloyatida “Aholini ish bilan ta’minlash hududiy Dasturi”ning
bajarilishi (kishi hisobida)**

Ko’rsatkichlar	2007 y.	2008 y.	2009 y.	2010 y.	2007- 2010 y.y.da o’sish, (%)
BKM ga ish so’rab murojaat qilganlar	53753	63880	64355	73021	135,8
BKM lar yo’llanmasi bilan ishga joylashganlar	48708	58636	59020	65412	134,3
Ishsiz maqomini olganlar	4446	4797	5051	7609	171,1
Kasbga o’qitish va malakasini oshirishga yo’naltirilganlar	555	841	652	1056	190,3
Haq to’lanadigan jamoat ishlariga yo’naltirilgan	1633	2462	3245	5500	3,4 marta
Ishsizlik nafaqasi tayinlanganlar	2149	1971	1154	1053	49,0
Korxonalarda mavjud bo’sh ish o’rinlari	1410	1396	3582	2690	190,8

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

2007-2010 yillar mobaynida kasbga o’qitish va malakasini oshirishga yo’naltirilganlar – 190,3 %ga, haq to’lanadigan jamoat ishlariga yo’naltirilgan – 3,4 martaga oshgan. Ish bilan ta’minlashga ko’maklashuvchi davlat ish bilan bandlik jamg’armasining passiv yo’nalishlariga sarflanishining tejalishi ish bilan ta’minlashning faol yo’nalishlariga sarflanadigan mablag’larni moliyalashtirishni kengaytirish uchun manba bo’lib hisoblanadi.

Mamlakatimizda mehnatga layoqatli aholini ish bilan ta’minlash qancha dolzarbligini to’la tasavvur qilish uchun demografik vaziyatga bir nazar tashlaylik. Bizda aholining tabiiy o’sishi keyingi yillarda bir oz sekinlashganiga qaramasdan, hamdo’stlik mamlakatlari orasida eng yuqoriligicha saqlanib turibdi. Keyingi yillarda, respublikamizda aholining o’sishi o’rtacha 1,5% ni tashkil etmoqda. Bu esa, mehnat resurslarini mutanosib ravishda o’sishiga olib kelmoqda.

2.5-jadval

**Samarqand viloyatida 2006-2010 yillarda qishloq joylarida hisoblangan
mehnat resurslari balansi (ming kishi)**

№	Ko'rsatkichlar	2006 y.	2007 y.	2008 y.	2009 y.	2010 y	2006- 2010 y.y.da o'sish, (%)
1	Doimiy aholi soni	2459,8	2553,8	2595,9	2630,5	2660,6	108,2
2	Mehnat resurslari	1232,7	1254,6	1286,1	1328,2	1403,4	113,8
3	Shundan, iqtisodiy faol aholi	895,3	944,6	983,3	958,4	981,5	109,6
4	Ish bilan band bo'lganlar	844	876,9	902,8	984,3	927,9	109,9
5	Iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lganlar	501,4	530,4	580,2	659,8	702,2	140,0
6	Iqtisodiyotning norasmiy sektorida band bo'lganlar	321,9	346,5	322,6	324,5	248,4	77,2

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, 2006-2010 yillar davomida Samarqand viloyatining qishloq aholisi soni 108,2 %ga ko'paygan. Bu davrlar mobaynida mehnat resurslari 113,8 %ga oshgan. 2006-2010 yillar mobaynida yaratilayotgan yangi va qo'shimcha ish o'rinlarining ortib borishi natijasida ish bilan band bo'lganlar hissasining bu davrlarda 109,9 %ga o'sishiga erishilgan. Shundan iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lganlar hissasi 140,0 %ga o'sgan bo'lsa, iqtisodiyotning norasmiy sektorida band bo'lganlar hissasi 77,2 %ni tashkil etgan.

Bu yillarda ishchi kuchini keskin ishdan bo'shashi aniq bir maqsadda – qishloq xo'jaligidan ortiqcha ishchi kuchini chiqarilishi asosida sodir bo'ldi (2.5-jadval).

2.6-jadval

**Samarqand viloyatida bandlikka ko'maklashish markazlarida ishsiz bo'lib
ro'yxatda turganlarning yoshi to'g'risida ma'lumot (kishi hisobida)**

	16-29 yosh		30-50 yosh		50 yoshdan yuqori	
Yillar	Jami	Shundan, qishloq joylarida	Jami	Shundan, qishloq joylarida	Jami	Shundan, qishloq joylarida
2006	970	819	737	625	233	197
2007	907	773	710	600	220	186
2008	843	714	681	577	211	178
2009	781	659	669	562	202	171
2010	738	627	642	574	196	163

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

2.6-jadval ma'lumotlariga ko'ra, Samarqand viloyatida bandlikka ko'maklashish markazlarida ishsiz bo'lib ro'yxatda turganlarning yoshi to'g'risida ma'lumotlarga asosan qishloq joylarda 2006-2010 yillarda 16-29 yoshdagi rasmiy ishsiz fuqarolar 819 kishidan 627 kishiga qisqargan, 30-50 va 50 yoshdan katta bo'lgan rasmiy ishsizlar soni mos ravishda 625 dan 574 kishiga hamda 197 dan 163 kishiga kamaygan.

Самарқанд вилоятининг туманлар кесимида қишлоқ жойларида янги яратилган иш ўринлари таҳлил қилинганда, барча туманларда дастурдан юқори қилиб бажарилган. Таҳлиллардан кўринадики, Самарқанд вилоятида туманлар қишлоқларида 2009 йил давомида 75963 та янги иш ўринлари яратилган, амалда дастурдагига нисбатан (74532 та) 102,0 % қилиб бажарилган. 2010 йил давомида “Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий Дастури”га кўра 76170 янги иш ўринлари яратилиши лозим бўлган, амалда эса 76627 та янги иш ўринлари яратилган. Бу давр мобайнида аҳолини иш билан бандлигини амалда 101,0 % га ортиғи билан бажарилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини ошириш имконини бермоқда.

2.7-jadval

**Samarqand viloyati qishloq tumanlarida 2010 yilga mo'ljallangan yangi ish
o'rinlarini yaratish dasturlarining bajarilishi
(kishi hisobida)**

	Tumanlar nomi	Jami yaratilgan ish o'rinlari					
		2009 yil			2010 yil		
		Dastur	Amalda	%	Dastur	Amalda	%
1.	Oqdaryo tumani	3995	4048	101,3	4100	4126	100,6
2.	Bulung'ur tumani	5324	5401	101,4	5400	5410	100,2
3.	Jomboy tumani	4181	4230	101,2	4250	4282	100,8
4.	Ishtixon tumani	5670	5772	101,8	5750	5779	100,5
5.	Kattaqurg'on tumani	5317	5427	102,1	5450	5493	100,8
6.	Qushrabod tumani	3509	3603	102,7	3600	3608	100,2
7.	Narpay tumani	5151	5188	100,7	5250	5280	100,6
8.	Payariq tumani	5995	6092	101,6	6150	6181	100,5
9.	Paxtachi tumani	4440	4500	101,4	4550	4579	100,6
10.	Pastdarg'om tumani	5780	6015	104,1	5920	5958	100,6
11.	Samarqand tumani	7140	7386	103,4	7250	7285	100,5
12.	Nurobod tumani	4176	4217	101,0	4250	4275	100,6
13.	Urgut tumani	9572	9738	101,7	9720	9785	100,7
14.	Tayloq tumani	4282	4346	101,5	4530	4586	101,2
	Jami	74532	75963	102,0	76170	76627	101,0

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Samarqand viloyati qishloq tumanlarida 2010 yilga mo'ljallangan yangi ish o'rinlarini yaratish dasturlarining bajarilishi bo'yicha ma'lumotlarga ko'ra, viloyatda 2009 yilda jami yaratilgan ish o'rinlari dastur bo'yicha 74 532 tani

tashkil etib, bu ko'rsatkich haqiqatda 102 %ga bajarilgan. Shuningdek, 2010 yilda mazkur ko'rsatkich 101 %ga o'sgan.

2.8-jadval ma'lumotlariga ko'ra, Samarqand viloyatida ish qidiruvchi fuqarolarni ishga joylashtirish 2007-2010 yillar mobaynida muntazam o'sish tendensiyasiga ega bo'lib, bu ko'rsatkich mazkur yillar oralig'ida 142,4 %ga oshgan. Shundan, o'quv yurtlarini bitirganlar ichida o'rta maxsus kasb hunar kollejlarini bitirganlarning ish bilan ta'minlanish ko'rsatkichi tahlil etilayotgan yillar ichida eng yuqori ko'rsatkichga, ya'ni 7 barobarga oshgan. Yosh tarkibi bo'yicha esa mazkur davrlar oralig'ida 16-29 yoshgacha bo'lganlar 132,5 %ga, 30 yoshdan 50 yoshgacha bo'lganlar 152,5 %ga, 50 yoshdan yuqori bo'lganlar 128,8 %ga oshgan. Buning asosiy sababi viloyat mehnat bozoridagi demografik jarayonlar bilan izohlanadi.

2.8-jadval

Samarqand viloyatida ish qidiruvchi fuqarolarni ishga joylashtirish (kishi hisobida)

№	Ko'rsatkichlar	2007 y.	2008 y.	2009 y.	2010 y.	2006-2010 y.y.da o'sish, (%)
1	Ishga joylashtirilgan fuqarolar soni	41255	44884	50048	58757	142,4
2	16 yoshdan 29 yoshgacha bo'lganlar	25943	28166	38877	34381	132,5
3	30 yoshdan 50 yoshgacha bo'lganlar	15312	15535	15654	23349	152,5
4	50 yoshdan yuqori	177	334	40	228	128,8

Manba: Samarqand viloyat Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish Bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Таҳлиллардан кўринадики, Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ўзига худудий хусусиятларга эга. Буни биз юқоридаги таҳлиллар натижасида ҳам тўлиқроқ ўрганиб чикдик.

2.3. Аҳолининг иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари

Оқилона бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: **ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бойор мувозанатига эришиш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайитириш ва бошқалар.**

Мазкур мезонлар қуйидаги **кўрсаткичлар** ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг миқдори; қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимини ер юкланмаси; ўртача йиллик иш ҳақи; аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффиценти; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлар сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.лар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Аҳолининг иш билан бандлиги кўп укладли иқтисодиётнинг муҳим ижтимоий жиҳати, чунки бу билан кишиларнинг даромади ҳосил бўлади, улар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топади, қобилият ва истеъдодларини юзага чиқара олади. Кўп укладли тузилма эса, иш билан бандликнинг усули ва таркибини янгилайди, унинг янги шакллари юзага келтиради.

Иш билан бандлик характери кишиларнинг мулкӣ мақомига боғлиқ бўлади. Капитал соҳиблари тадбиркорлик билан банд бўлсалар, меҳнат аҳли ёлланиб ишлайди. Иш билан бандлик даражасини меҳнат бозоридаги талаб белгилайди, аммо бозор талаби доирасида иш билан бандлик шаклини танлаш имкони мавжуд бўлади. Ўтиш даврида иш билан бандликни таъминлашнинг бозор қоидалари билан биргаликда, унга давлатнинг аралашуви ҳам юз беради. Давлат ижтимоий низолар юзага чиқмаслиги учун иш билан бандликни ошириш чораларини амалга ошириб боради, нодавлат секторда янги ишчи ўринларини яратишни рағбатлантиради, қонун йўли билан иш билан бандликни тартибга солади.

Иш билан бандлик меҳнат ресурсларининг укладлараро эркин ҳаракатини билдиради, чунки тоталитар тузумдан фарқлироқ бозор муносабатига ўтаётган тизимда меҳнат аҳлини айрим секторларга боғланиб қолиши юз бермайди, чунки меҳнатнинг эркин миграциясига йўл очилади.

Кўп укладли тизимда иш билан бандликнинг эркин ёлланиб ишлаши, тадбиркорлик қилиши, воситачи бўлиши, якка меҳнат фаолияти билан хонаки – оилавий ишлаб чиқариш билан шуғулланиши, ўз-ўзини иш билан банд қилиш каби шакллари юзага келиб, улар барча соҳалар доирасида кечади. Айни бир вақтнинг ўзида иш билан бандликнинг бир неча турларини, масалан ёлланиб ишлаш билан тадбиркорликни ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг чирмашиб кетиши ҳам пайдо бўлади. Иқтисоддаги ранг – баранглик иш билан бандликка ҳам шундай тус беради. Ўз навбатида хилма – хил иш билан бандлик хилма – хил даромад шакллари юзага келтиради.

Иқтисодиётни янгилаш шароитида меҳнат ресурсларининг укладлараро эркин тақсимланиши бўлиб турса – да, турли укладлардаги иш билан

бандлик даражаси, иш билан бандликнинг даромад келтириши ва қанчага тушиши бир хил эмас, албатта. Бу табиий равишда укладлардаги корхоналар салоҳиётига, уларнинг бозор билан таъминланишига, умумий иқтисодий вазиятга боғлиқ. Бир уклад учун иш билан бандлик шароити қулай бўлгани ҳолда, бошқаси учун ноқулай бўлади.

Маълумки, меҳнат бозоридаги талаб кўп жиҳатдан товарлар ва инвестициялар бозоридаги талабга боғлиқ бўлади. Турли уклад корхоналаридаги иш билан бандликни шу омил юзага келтиради.

Буларнинг орасида ишловчилар сони жадал ошиб бораётган жой – бу фермер ва деҳқон хўжаликлари бўлиб, улар хусусий укладнинг таянч хўжаликларидир. Жамоа ва давлат укладида иш билан бандликнинг ортиши кузатилмайди, аксинча, улар ҳисобидан бошқа укладлар ривожланиб, уларда иш билан бандликнинг ўсиши юз беради.

Ортиқча иш билан бандлик жамоа укладига хос жараён, бу эса ҳар бир ишчи ўрни берадиган даромаднинг камайишига олиб келади, иқтисоддаги ижтимоий йўналишни кучсизлантиради.

Иқтисодиётни янгилаш шароитида иш билан бандликнинг фақат миқдорий эмас, балки сифатли жиҳати ҳам мавжуд, чунки иш билан бандлик ҳар бир шахсга турлича натижа келтиради. Шу жиҳатдан рационал, яъни оқилона иш билан бандлик борки, бу иш жойидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ва шунга монанд топилган даромад билан ўлчанади. Меҳнат унумдорлиги давлат ва аралаш укладда юқори бўлса, жамоа укладида у ғоят пастлигича қолмоқда. Хусусий укладда эса у ғоят нотекис бўлиб, бунинг асосий сабаби технологияларнинг ҳар хил бўлишидир.

Укладдаги унумдорлик технологиялардан ташқари корхоналарни узилишларсиз, муҳим ишлашига ҳам боғлиқ. Бунга бозорбоп товарлар чиқариб, доимий равишда буюртмалар олиш таъсир этади. Технологиялар яхши бўла туриб, юқори унумдорликка эриша олмаслик акциядор жамиятларга хос. Улар эски бозоридан ажралиб, янги бозор топиб улгурмаган, маҳсулотга талаб бўлса-да, ресурс топа олмаслиги натижасида

ишлаб чиқапишда узилишлар бўлиб туради, бу эса унумдорликнинг техник даражага нисбатан паст бўлишига олиб келади. Хусусий уклад корхоналари маҳсулотларига бозор талаби бўлса-да, қўл меҳнати устувор бўлганидан унумдорлик паст бўлади.

Бу айниқса, фермер ва деҳқон хўжаликларига хос. қишлоқдаги укладларда асосий фондларни, биринчи навбатда машина ускуналари тўзиб ишдан чиқиши юз берган. Баъзи бир тадқиқотларга кўра, қишлоқ хўжалигидаги техниканинг кўп қисми яроқсиз бўлиб, тўла ишдан чиқиб, темир – терсакка айланган. Шу боис, харажатлар таркибида амортизация ҳиссасининг узлуксиз камайиб бориши кузатилади, янгидан ишга тушган фондларга нисбатан ишдан чиққан фондларнинг ортиб бориши унумдорликни таъминловчи моддий базани заифлаштиради. Бу кўпчилик укладларда иқтисодий ўсиш ресурсларининг қисқаришига олиб келади.

Хусусий уклад корхоналари асосан эркин бозор учун ишлайди, да нархларнинг ўсиши улар тушумини оширади. Натижада техника базаси кучсизланган шароитда ҳам жон бошига тушум ортиши мумкин бўлади.

Укладлардаги меҳнат унумдолигини аниқ ҳисоблаб чиқариш мушкул ишга айланган, чунки унинг натижаси корхоналарда базавий нархларда эмас, балки жорий нархларда ҳисобланади, бу эса нархга инфляция таъсири кучли бўлишини билдиради. Инфляциядан тозаланган меҳнат унумдорлиги натижаси корхоналар миқёсида аниқланган эмас, аммо миллий иқтисодиёт миқёсидаги унумдорликни базавий нархлар асосида ҳисоблашга интилиш мавжуд.

Хуллас, яна бир жиҳат укладаларнинг самарали иш билан бандликни таъминлашдаги иштироки ҳам фарқланади, яъни нодавлат укладлар иш билан бандликни миқдорий жиҳатдан кўпроқ таъминланаётган бўлса-да, улар тўлиқ самарали бўлишига ҳозирча эриша олаётганлари йўқ.

III-Bob. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари

3.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида касаначилик – аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий омили

Aholining ish bilan bandligini ta'minlashda kasana-chilikning roli tobora ortib bormokda. Shuning uchun Uzbekistan Respublikasi Prezidenti Islom Karimov: "Takror va takror ta'kidlab aytish kerakki, ishlab chikarish korxonalari bilan kooperasiya asosida barpo etiladigan kasanachilikni rivojlantirishga katta ahamiyat berilmokda. Bu borada mamdakatimizda ish beruvchi korxonalar uchun xam, kasanachilik bilan shu-gullanuvchi axoli uchun xam rag'batlantirishning yaxlit va ta'sirchan tizimi yaratilgan",¹ - deb kursatgan.

Kasanachilik ish joylarini yaratish qishloq xo'jaligi korxonalariga barqaror rivojlanishini eng kam mablag' talab etgan xolda eng katta foyda keltiradigan xolda ta'minlash maksadiga xizmat kiladi. Shu bilan birga kasanachilik sohasi aholining ish bilan bandligi va oila byudjeta daromadlarini oshirishning kushimcha manbaiga aylangan.

Jahonning rivojlangan davlatlari tajribasi kasanachilikning birgina ish bilan bandlik darajasini oshirish, axoli daromadlarini kupaytirish uchungina emas, shuningdek iktasodiyot tarmoklarini rivojlantirishdagi ahamiyatidan yakdol dalolat beradi. Shuning uchun mexnatni tashkil etish-ning bu usuliga aloxida e'tibor karatilmokda. Masalan, Garbiy Yevropada 1995 yilda uyda ishlovchilar soni 4,0 mln. kishini tashkil etardi. Xrzir ularning soni 60,0 mln. nafar-dan ortgan. 2010 yilga borib esa kasanachilar soni 100,0 mln. nafarga yetishi muljallanmokda.¹

G'arb mamlakatlari kompaniya va firmalarida kasanachilik kuprok past rentabelli yoki qo'l mexnatini talab qiladigan maxsulotlar ishlab chikarishda keng kullaniladi. Ammo keyin-gi yillarda kupgina davlatlarda, jumladan Buyuk Britaniyada kasanachilikdan iktisodiyotning barcha tarmokdarida qo'llanilmokda.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”

Ayniqsa, zamonaviy axborot texnologiyalarining keng joriy etilishi "yangi" (elektron) kasanachilik ommalashiga olib keldi. Ular katoriga yukori malakali kompyuter dastur-chilari, dasturiy maxsulotlar tayyorlovchilar, dizaynerlar, tarjimonlar, jurnalistlar, ofis (Internet yoki telefon orkali) xizmatchilar kiradi. Stokgolm iktisodiyot maktabi utkazgan tadkikot ma'lumotlariga kura Rossiya Federapiyasida mamlakat axolisining taxminan 1,7 % - 2,7 mln. kishi "yangi" kasanachilik - masofadan turib ishlash bilan banddir.

Tailandda esa kasanachilar umumiy soning 41,1 % ni tukimachilik sanoati va kiyim-kechak tikishda, 27,0 % ni zar-garlik buyumlari tayyorlashda, 8,9 % ni ozik-ovkat sanoatida, 7,2 % ni mebel va uinchokdar ishlab chikarishda, 3.7 % ni ulgurji va chakana savdoda ish bilan bandlar tashkil etadi.

3.1.-jadval

Kasanachilik afzalliklari

Ish bsruvchilar uchun	Kasanachilar uchun
Soliq imtiyozlari hamda kasanachilar ish haqi fondidan yagona ijtimoiy tulovdan ozod kilinishi	Amaldagi konunchilik va jamoa shartnomalari asosida ijtimoiy ximoya
Yangi ish joylari yaratish uchun mablaglarni tejash	Ish joyiga transportda borib kelish uchun vakt va mablagni tejash
Yuqori texnologax maxsulot ishlab chiqarish uchun ishlab chiqarish maydonlari va dastgoxlar bushashi	Ish vaqtini mustaqil ravishda belgilash, buyurtmalarni bajarishga oila a'zolarini jalb etish
Mehnat uiumdorligini kasanachilar uzgaruvchan ish vakti bo'yicha ishlashlari xisobiga oshirish	Yangi bilim va ko'nikmalar olish, mehnat jamoasi a'zosi xissasini saqlab kolish

Xorijiy mamlakatlarda kasanachilik bilan bandlarning kuyidagi turlari mavjuddir:

- korxona personali a'zolari;
- tuliksiz ish kunida ish bilan bandlar;

-muddatli shartnomalar buyincha vaktinchalik ish bilan bandlar;

-"mini-maks" shartnomalari buyincha ish bilan bandlar, ya'ni ishlagan soatlariga xdk oladigan xodimlar; -ishchi shirkatlari a'zolari; -mustakil kompaniyalar sheriklari; chaqiriq (kompaniya taklifi bilan) buyincha ishlovchilar.

Mamlakatda kasanachilikni rivojlantirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentiing 2006 yil 5 yanvardagi "Yirik sanoat korxonalari bilan kasanachilikni rivojlantirish asosidagi ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish o'rtasidagi kooperasiyani kengaytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari tug'risida"gi PF-3706-son Farmoni aloxida ahamiyatga ega bo'ldi. Mexnatni tashkil etishning kasanachilik shakli afzalliklari kuyidagilar bilan izohlanadi:

1. Yirik sanoat korxonalari bilan kasanachilar urtasida kooperasiya alokalarining rivojlanishi ishlab chikarishga ish bilan band bulmagan axolini jalb kilishga xizmat kidali. Bunda sanoat korxonalarining buyurtmalarini mexnat re-surslari ortikcha bulgan kishlok axoli punktlarida joylash-tirish nuli bilan kishlok axolisini kasanachilikka jalb etish imkoniyatlari ayniksa katgaligini ta'kidlash kerak. Kasanachilik oila byudjeta daromadlarini oshirishning juda muxim, kushimcha manbai ekanligini aloxida ta'kidlash lozim.

2. Kasanachilar bilan kooperasiya yirik sanoat korxona-lariga yangi maxsulotlarni oilaviy ishlab chikarish yoki uzlashtirishni yulga kuyish, shuningdek kup mexnat talab kiladigan buyurtmalarni kasanachilarga topshirish orkali korxonalarining ishlab chikarish kuvvatlarini yukori texnolo-gik maxsulot ishlab chikarish uchun bushatish imkonini beradi.

3. Korxonalar bilan kasanachilar o'rtasidagi kooperasiyani mehnat shartnomasi asosida yo'lga qo'yish kasanachilarni ishonchli ijtimoiy ximoya kilishni ta'minlaydi. Bu esa kasanachilikni rivojlantirish xalkaro konsepsiyasiga, xususan Xalkaro Mexnat Tashkilotining 1996 yildagi 177- son Konvensiyasiga to'liq mos keladi.

Mamlakatda yirik biznes bilan kasanachilik o'rtasidagi kooperasiya kuyidagi prinsiplarga asoslangan:

- kasanachilar ijtimoiy ximoyasi va mexnati muxofazasi-ni ta'minlashni inobatga olgan xolda axolini uy mexnati faoliyatiga keng jalb kilish uchun kulay sharoit yaratish;

- sanoat korxonalari bilan ularning buyurtmalari asosida uyda maxsulot ishlab chikarish va xizmat kursatish, birin-chi navbatda sanoat ishlab chikarishi samaradorligini oshirish imkonini beradigan tikuvchilik, attorlik, ipakchi-lik, kayta ishlash, mebel, elektron sanoatida, shuningdek telekommunikasiya, servis va xizmat kursatish tarmokdarida kasanachilik bilan shugullanayotgan fukarolar urtasida kooperasiyani rivojlantirish;

- korxonalarning buyurtmalari asosida uyda ishlayotgan fukarolarga buyurtmachilar tomonidan xom ashyo, materiallar va yarim fabrikatlarni yetkazib berish xamda buyurtma asosida ishlab chikargan maxsulotlarni sotishni kafolatlashda barkaror sharoitlar yaratish.

Kasanachilar tomonidan 34,0 mlrd. so'mlik maxsulot ishlab chikarildi va xizmatlar ko'rsatildi. Shundan 40 %dan ko'pi qishloq joylarga to'g'ri keladi. Kasanachilik uchun ish urinlari yaratgan korxonalar bu borada o'zlariga berilgan imtiyozlar xisobidan 1 mlrd. so'mdan ortik mablag'ni tejashga erishdilar.

Kasanachilikni rivojlantirishda mamlakat xududlarida muayyan ijobiy tajriba guplangan, jumladan, Andijon viloyatida kasanachilik sox.asi^a 24 mishtaga yakin yangiish urinlari yaratilgan. 200^?Yi^{da viloyagdagi 700 tadan kuprok korxona bilan 8963 iafar kasaiachi mexnat shartnomasi asosida ish olib borgan. Bu ish joylarining 71,0 % kishlok joylariga tugri keladi.

Samarqand viloyatda qishloq joylarida kasanachilikni rivojlantirish bu yerdagi demografik xolat tufayli, ayniksa, dolzarb hisoblanadi.

Hozirgi paytda viloyat korxonalarida kasanachilar 90 ga yaqin yunalishda faoliyat ko'rsatmokdalar. 2010 yilda ular tomonidan 155 turdagi 3 mlrd. so'mga yakin mahsulot ishlab chikarildi va xizmatlar kursatildi. Uzlariga berilgan imtiyozlardan foydalanilgan viloyat sanoat korxonalari 85,0 mln. sumdan kuprok mablag'ni tejashga erishdilar.

Samarqand viloyatida xam kasanachilik asosida axolini ish bilan ta'minlash muammosini xal etish chora-tadbirlari kurilmokda. Keyingi uch yil ichida kasanachilikni rivojlantirish xisobiga 8559 nafar kishi ish bilan ta'minlandi. Viloyat qishloq xo'jaligi korxonalari aholi bilan uzaro manfaatdor shartnomalar asosida ishga muxtoj axolini ish bilan -y'minlamokdalar.

Shu bilan birga kasanachilikni yanada jadal sur'atlarda rivojlantirishni ta'minlash uchun ba'zi muammolarni hal etish talab qilinadi. Jumladan, yaxshi ma'lumki, qishloqda hunarmandchilik faoliyati kasanachilikning eng ommalashgan turlaridan biri hisoblanadi. Shuning uchun ular mehnat faoliyatini kasanachilik sifatida e'tirof etish, hunarmandlar ham kasanachilar uchun belgilangan imtiyozlardan foydalana olishlari uchun tegishli huquqiy masalalarni hal etish talab etilmokda.

Uy mexnati bilan shug'ullanayotganlarga ish bilan bandlikka ko'maklashish jamg'armasidan imtiyozli kreditlar ajratish foydadan holi bo'lmasdi. Ayni paytda ishsizlarni "Usta-shogird" usulida qishloq mehnat bozorida talab bo'lgan kab-xunarlarga o'kitish va o'rgatishni moliyalashtirishni yanada kengaytirish ham kerak. Bu chora-tadbirlar kasanachilik barcha afzalliklaridan foydalangan holda qishloq aholisini ish bilan ta'minlash darajasini oshirish ijtimoiy vazifasini xal etishga xizmat kiladi.

3.2. Аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда республикамиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ишчи кучининг юқори иш билан бандлигига эришишни самарали оқилона шакллантиришдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва ўсиши, ялпи ишчи кучининг иш билан бандлигини, ишсизлик ва унинг даражаси, баҳоларнинг ўсиши, яъни, инфляция ва бошқа жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ижобий ёки салбий таъсири остида ўзгариб туради.

Бу масала фуқароларнинг манфаатлари, яшаши, ривожланиши ва эртанги куни билан боғлиқ. Республикамиздаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унга бўлган талаб ва эҳтиёжга қараб фойдаланиш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосини ташкил этади.

Давлатнинг фаол таъсир кўрсатиш сиёсати ҳудудий меҳнат бозорлари ҳолатидан келиб чиқади. Агар ҳудудда ишчи кучи ортиқчалиги (профицит) рўй бериб, таклиф ҳажми талабдан юқори бўлса, у ҳолда давлат ишчи кучи таклифини камайтириш ва унга бўлган талабни кўпайтиришни рағбатлантириш сиёсатини юритади. Аксинча, агар ҳудудда ишчи кучи танқислиги (дефицит) кузатилса, у ҳолда давлат ишчи кучи таклифини кўпайтириш ва унга бўлган талабни камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилайди.

Илмий ишнинг ўтган бўлимларида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучи ортиқчалиги мавжуд ва ишчи кучи бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни ҳохловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга бир қанча кафолатларни назарда тутди. Яъни, давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;
- ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;
- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;
- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;
- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;
- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.¹

Давлат томонидан қўлланиладиган тартибга солувчиларнинг (иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий) ўрни меҳнат бозорида зиддиятларни юмшатиш, ишчи кучига талаб ва таклиф конъюктурасидаги номувозанатликдан ва уларни инқирозий бузилиш оқибатларидан (ялпи ишсизликнинг пайдо бўлиши, ижтимоий ҳўжаликда ишга жойлашишга имконият йўқлиги, даромадларнинг пасайиши ва бошқалардан) огоҳлантириш йўли билан белгиланади. Баъзида бозор муносабатларининг ижтимоий оқибатлари натижасида шундай шароитлар шаклланадики, унда қишлоқ аҳолиси бир қисмининг меҳнат қилиш ва даромад олиш ҳуқуқларига эга бўлишида жиддий қийинчиликлар вужудга келиши оқибатида турмуш даражаси пасаяди. Иқтисодий тартибга солувчилар (солиқлар, меҳнат ҳақи, молия-кредит воситалари, инвестицияларнинг жалб этилиши, иш билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси, Тошкент, 1992.

бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий муҳитни яратишга қаратилган, унда қишлоқ ишчи кучининг ҳаракати талаб ва таклифга мувофиқ ҳар бир мазкур даврда қўйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишда содир бўлади. Тартибга солувчиларнинг энг муҳим йўналиши шундан иборатки, уларнинг мажмуаси орқали меҳнат бозорида нисбий мувозанатга эришиш мумкин.

Мамлакат меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг яна бир йўналишларидан бири бу – «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастур Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида ишлаб чиқилиб, унда иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринлари яратиш параметрлари белгиланади.

Юқори бўлимларда таъкидланганидек, иш ўринларининг қисқариши миллий иқтисодиётда таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнларининг жадаллашуви ҳамда мулкчилик шакллариининг ўзгариши натижасида кузатилган бўлса, шунингдек, бу ҳолатга ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор иқтисодиёти қонуниятларига жавоб бера олмаслиги ва рақобат курашида мағлубиятга учраши оқибатида банкрот деб эълон қилиниши ҳам сабаб бўлган.

Мазкур ҳудудий дастурларни амалга оширишда иш ўринлари структурасига унчалик ҳам эътибор қаратилмаяпти. Яъни бунда миқдор кўрсаткичига биринчи даражали урғу берилиб, яратилаётган иш ўринларининг сифат жиҳатлари эътибордан четда қолмоқда. Бунда фақатгина дастур кўрсаткичлари бажарилса бўлди, қолгани иккинчи даражали тамойилида иш кўрилмоқда. Иқтисодий адабиётларда “оқилона иш билан бандлик” тушунчаси ҳақида турли хил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олими А.Б.Наумовнинг фикрича “оқилона иш билан бандлик” тушунчаси самарали тўлиқ иш билан бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳқсида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай

қаноатлантирганлигини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли иш билан бандлиги оқилона бўлади.¹ Украина иқтисодчиси В.Ф.Онищенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб – қувватлашни таъкидлайдики, “оқилона иш билан бандлик тўлиқ ва самарали иш билан бандликнинг бирлашмасидир. “Оқилона иш билан бандлик ўз ичига қўйидагиларни олади: 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқлаштириш; 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги; 4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш”²

Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитида бу олимларнинг оқилона иш билан бандлик – меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикрларига қўшилиш қийин. Меҳнат бозори ёппасига бандликни таъминлайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган “доимий” иш жойларини кафолатламайди.

Ш.Р. Холмўминовнинг фикрича, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табiiй) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва “Меҳнатга қобилияти” кишиларининг иқтисодий манфаатларини энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида “меҳнат қилиш қобилиятини

¹ Наумов А.Б. Некоторые проблемы формирования рациональной занятости населения. Механизма обеспечения рациональной занятости и совершенствования распределительных отношений. – М.: ИЭ и П НТП, 2002. С. 10-20.

² Онищенко В.Ф. Рациональная занятость: методология региональных исследований. – Киев: Наукова Думка, 2001. -208 с.

бозорда сотиш учун таклиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиши даражасига қараб оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул иш билан бандлик даражаларига ажратилади.

Оқилона иш билан бандлик агрегацияланган ижтимоий – иқтисодий тушунчадир. Унинг мазмуни бир неча шундай блокни ўз ичига оладики, уларнинг меҳнат бозоридаги бор – йўқлигига қараб иш билан бандлик оқилона эканлиги ёки оқилона эмаслигини аниқлаш мумкин. Булар, жамият, ижтимоий гуруҳ ва айрим шахснинг манфаатларини ҳисобга олиш; жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишни таъминлаш; жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзгаришларига ҳозиржавоблик кабилардир. Оқилона иш билан бандликни иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига маҳсулдор иш билан бандлар улуши тавсифланади. Иш билан бандликнинг оқилона иш билан бандлик каби шакли мавжудлигини барча олимлар ҳам тан олавермайди. Кўпчилик фақат тўлиқ ва самарали иш билан бандликни ажратишга мойилдир. Ҳолбуки, оқилона иш билан бандлик таснифлаш элементи бўлиши лозим ва аввало, шунинг учун лозимки, шу билан бандликни самарали деб қатор йиллар ўтганидан кейин, узоқ истиқболдагина баҳолаш мумкин, меҳнат соҳасида ва иш билан бандлик борасида жараёнларни бошқариш учун эса қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги иш билан бандлик ҳолати баҳоланиши зарур. Бунда оқилона иш билан бандликни самарали иш билан бандликка қарама-қарши қўймаслик керак. Оқилона иш билан бандлик – самарали иш билан бандликнинг шарт-шароити, унга эришишдаги пиллапоядир. Оқилона иш билан бандликсиз самарали иш билан бандлик ҳам бўлмайди.

Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда республикамізда аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Бунга қўйидаги сабаблар асосий тўсиқ бўлмоқда: давлат мулкани хусусийлаштириш самарадорлигининг паст даражаси;

иқтисодиётда тубдан таркибий ислохотларни ва ишловчиларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдан озод бўлишнинг секинлиги; меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиш; иш жойларининг паст сифатли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, кшп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи таклифини унга бўдган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорининг самарали тартибга солиш механизми такомиллашмаганлиги. Улар ичида давлат мулкани хусусийлаштириш ва халқ хўжалиги тармоқларини таркибий ислохот қилиш етакчи ўрин эгаллайди. Бу жараёнларни амалга ошириш кўпроқ расмий характерга эга бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, ижара, ҳиссадорлик, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишига ижобий таъсир қилиб, ишчи кучига талабнинг ошишига ва уни таклифини камайишига олиб келиши мумкин.

Аммо республика қишлоқ жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифи ошиши кузатилмоқда. Ноқишлоқ хўжалигида иш жойлари сони етарли эмаслиги ва ишловчиларнинг касбий билимлари пастлиги республиканинг барча қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган ишчи кучига ва таклиф ўртасидаги номуносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Техник воситалардан самарасиз фойдаланиши ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишда илғор усулларни секинлик билан тадбиқ этиш ишлаб чиқаришда меёрдан юқори жонли меҳнат сарфланишига ва яширин иш билан бандлик ортишига олиб келади. Тадқиқот ишлари кўрсатадики, унинг ҳозирги мавжуд техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Ишчи кучининг ортиқча қисмидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг унга талаб бўлган тармоқлари соҳасида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланишини пастлиги нафақат ишлаб чиқариш корхоналари қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгинаишчи ходимларнинг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуктаи назаридан уларнинг иш билан бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган иш билан бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

Вакант лавозимларни ва иш жойларини мавжудлиги ҳақидаги ишончли ахборотларнинг камлиги — иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради.

Буларнинг барчаси иш билан бандликни тартибга солишнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд механизм эса оқилона иш билан бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитлари тўлиқ ҳисобга олмайди. Такмиллаштирилган янги механизм эса қўйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма иш кучига меҳнат ҳақини (нарни) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болалик аёллар ва ногиронлар иш билан бандлигини оширишни рағбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, рақобат қобилияти ва экспортабеллигини ошириш; иш билан бандлик хизмати инфраструктурасининг самарали ривожланишни таъминлаш ва бошқалар.

Аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишини муҳим шарт-шароитлари, машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли мобиллигининг турли маъмурий чекланишларини (прописка, виза, ишдан асоссиз бўшатишни ман қилиш ва ушлаб қолишлар) бекор қилиш, меҳнат

ҳақидаги қонунларга қатъи риоя қилган ҳолда ишга жойлашиши кафолатини беришдан иборат бўлади. Мажбурий меҳнат қилишдан воз кечиш ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашни билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини кузда тутади.

Аммо ходимларни расмий озод қилиш етарли эмас. Ёлланма меҳнат учун иқтисодий шароитлар ва ижтимоий кафолат зарур. Улар ичида келажакда энг кам иш ҳақини аҳоли жон бошига кун кечириши учун зарур бўлган энг кам миқдоргача қонун асосида ошириш ва меҳнат даромадларини чеклашни бекор қилиш – асосий ҳисобланади. Ўшандагина ходим иқтисодий фаол бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оқилона иш билан бандлик ишчи кучидан шундай фойдаланишни акс эттирадики, у ялпи ички маҳсулот ва меҳнат унумдорлигининг ўсишни таъминлайди ва кўп мулкчиликнинг шакллари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали услубларини кўлланиш соқаларини кенгайтишига кўмаклашади.

Бу ортиқча ишчи кучининг озод бўлишига олиб келадик, у ёлланган ишловчиларни қайтадан тақсимлаш ва меҳнат миграцияси кенгайтиши жараёнининг кучайишига ёрдам беради. Шу билан бирга шундай вазият юзага келадик, унда ишлаб чиқаришдан озод бўлган ишловчиларнинг бир қисмини меҳнатга ва даромадларга ўз ҳуқуқини амалга ошириш шароити ёмонлашади. Бундай ҳолда ишсизлик пайдо бўлади.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири – унинг иқтисодий фаол қисмини кенгайтишдан иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз ичига мулкчиликнинг турли хил ташкилий – ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан ишсиз) меҳнатга қобилиятли, иш билан банд бўлмаган аҳолини қамраб олади.

Буларнинг барчаси меҳнат салоҳиятини ташкил қилади. У меҳнатга қобилиятли иқтисодий фаол бўлмаган қисми – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда бўлганлар ва субъектив – объектив сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар ҳисобига янгиланади ва тўлдирилади.

Сўнгги пайтларда оқилона бўлмаган иш билан бандликнинг асосий сабалардан бири – иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги муаносибликнинг мавжудлиги ҳисобланар эди. Аммо ҳозирги вақтда бу муаммонинг бошқа жиҳати – ишчи кучига талабни унинг таклифига мос келмаслиги муҳим, чунки ҳозирги ҳудудий сафарбарлик, прописка билан тўхтатиб турилган, уй жой бозори яхши ривожланган, ҳудудлар бўйича турмуш даражаси табақалаштирилган вазиятда таркибий мос келмасликлар – бошқа муаммоларни вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ишсизлик фактини унинг барча кўринишларида тан олиниши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги тенгсизликни камайтириш бўйича масалани ҳал қилишни кўзда тутди. Аммо шундай бўлиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни аҳолининг иш билан бандлигини оқилона тузилишига эришилсин.

Оқилона иш билан бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишни таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими;

меҳнатни фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфраструктура хизматларининг ҳажми; қишлоқ хўжалигининг ҳар бир ходимнинг ер юкланмаси; ўртача йиллик иш ҳақи; ҳар бир аҳолини уй – жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; қайта ишловчи саноат корхоналаридаги асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффиценти; ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфраструктура хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначиларга иш стажини ҳисоблаш, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қиладиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу эса ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш орқали йирик саноат корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3706 – сонли Фармони

кабул қилинди. Унга кўра мамлакатимизда касаначилик меҳнاتини ривожлантиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилди:

- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

- саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

- корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

Иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва енгилликлар кўзда тутилган:

- товарлар ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинади;

- корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилади;

- касаначилик амалга ошириладиган тураржой биноларини нотураржой бинолар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

- касаначилар корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди;

- меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотларнинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

- касаначилик меҳнати билан шуғулланадиган шахслар меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажариш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматларга аҳоли учун қўлланиладиган тарифлар бўйича ҳақ тўлайдилар.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасидаги меҳнат кооперациясини ривожлантириш мақсадида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларга кўра 2006 йилда республика бўйича жами 60 мингта касаначилик ўринлари яратиш кўзда тутилган. Ўтган йил якунларига кўра мамлакатимизнинг 700 га яқин йирик саноат корхоналарида 60 мингдан зиёд (шулардан 70% қишлоқ жойларда) касаначилик ўринлари яратилди. Бунинг натижасида эса ишсиз юрган хотин-қизлар (жумладан, ёш болали аёллар), уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди ва меҳнат даромадига эга бўлди. Шунингдек, касаначилик меҳнати уларни жамиятнинг фаол кишисига ҳам айлантирди.

Гарчи касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича республика дастур кўрсаткичлари тўлалигича бажарилган бўлсада, бу борада бир қанча муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Мазкур чора-тадбирларга мингдан ортиқ йирик саноат корхоналари жалб этиш кўзда тутилган бўлса-да, амалда уларнинг барчасида ҳам касаначилар меҳнатидан фойдаланилмаган. Республикаимизнинг саноати ривожланган ҳудудлари ҳисобланган Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент

шаҳрининг кўпгина корхоналарида етарлича имкониятлар мавжуд бўлишига қарамадан, бу борадаги ишлар суст олиб борилган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларига бирорта ҳам қасаначи жалб этилмаган. Шунингдек, баъзи саноат корхоналарида қасаначилар билан меҳнат шартномалари тузилган бўлишига қарамай, амалда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун улар зарурий восита ва хом ашёлар билан таъминланмаган. Натижада эса қасаначиларнинг ҳеч қандай меҳнат даромадларига эга бўлмаслик ҳолати кузатилган.

Қасаначилик меҳнатини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган меҳнат органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ПҚ-616–сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони таъйинларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган қасаначилик меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самалари фойдаланишга олиб келади.

Меҳнат бозорида давлатнинг амалга оширадиган сиёсатларидан бири – бу ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Унга кўра давлат меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шасхларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутди. Яъни, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шасхларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдори

белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сонли қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ фуқароларнинг ушбу тоифасига қуйидагилар киради:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналар ҳамда кўп болали ота-оналар;
- таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, улар таълим муассасасини тамомлагандан кейин бир йил давомида;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганлар;
- ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар.

Ногиронлар учун иш жойларининг энг кам миқдори ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони камида 34 кишини ташкил этадиган корхоналар учун, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун эса иш жойларининг энг кам миқдори ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 100 ва ундан ортиқ кишини ташкил этадиган корхоналар учун белгиланади.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларини ҳамда комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, аҳолининг оқилона иш билан бандлиги шаклланган, ишсизликнинг йўл қўйиладиган даражасигача камайган,

мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин таъминланган, маҳаллий кадрлар сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ ишга жойлашиш кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини минимал истеъмол бюджетигача оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан солиқлар кескин қисқартирилган шароитлардагина меҳнат бозори самарали шаклланади ва ривожланади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар ҳосил қилинди:

1. Аҳолини иш билан бандлик тушунчасини фуқаронинг ўз шахсий ва жамоат эҳтиёжини қондирадиган ҳамда даромад келтирадиган фаолияти деб тушуниш мумкин. Иш билан бандликни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар тизимида меҳнат ресурсларини етиштиришнинг табиий асоси сифатида қараш лозим.

2. Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

3. Бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, бундай ишлар жамоат ишларининг махсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;

4. Бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

5. Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат – инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англаганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

6. Ишчи кучларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлиги бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари вақтинча молиявий қийинчиликларни

бошидан кечираётган корхоналарга, турли мулкчилик кўринишдаги янги корхоналарни яратишга кредитлар бериш йўли билан сарфланади.

7. Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс таҳлили ва истикболини белгилашнинг методологик асосларини.

8. Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланишини пастлиги нафақат ишлаб чиқариш корхоналари қувватларидан самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгинаишчи ходимларнинг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг иш билан бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган иш билан бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

9. Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

10. Саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: “Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси”, 2010.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). –Т.: Адолат, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2009 йилдаги 1045-сонли “Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 23 январь.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни

рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

2.9. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 05.01.2006 йил. №ПФ3706.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3.1. Ишга жойлашишга мухтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида. 24.05.2007 йил. №106. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид меъёрий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Т.: “Меҳнат”, 2007 йил, 72-бет.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Низоми.. “Халқ сўзи” газетаси, 11.01.2010 йил.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 104-сонли Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил 15сон,

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

1.2. И.А.Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.3. И.А.Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч.– Т.: “Ma’naviyat”, 2008.

1.4. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

1.5. Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2– нашри. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари

2.1. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь, №21 (4936).

2.2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

2.3. И.А.Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини 17 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь, № 237 (4900).

III. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

1.1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: “Mehnat” - 2009.

1.2. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш. Дарслик. – Т.: “O'qituvchi” НМИУ, 2008.

1.3. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004.

1.4. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004.

1.5. Рынок труда: Учебное пособие./Под общ.ред. Абдурахмонова К.Х., Одегова Ю.Г. – Т.: ТФРЭА, 2009.

1.6. Нарзикулов Н.Р., И.А.Боқиева, Муртозаев Б.Ч. Инсон ресурслари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2005.

1.7. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт// С.С.Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006.

1.8. Р.А.Убайдуллаева, М.Ғаниева, Ў.Қаюмов. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил этиш услубияти. – Т.: 2006.

2. Россияда чоп этилган

2.1. Экономика и социология труда. Учебник. / Под. ред. А.Я. Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2010.

2.2. Волгин Н.А. Экономика труда: (социально-трудовые отношения) / Под ред. Н.Л. Волгина, Ю.Д. Одегова. -М.: «ЭКЗАМЕН», 2009

2.3. Кязимов К.Г. Рынок труда и занятость населения: Учеб. пособ.– М.: «Перспектива», 2005.

2.4. Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда: учебник / под общ ред Р.Г. Мумладзе. – 2-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2007.

2.5. Н.А. Волгина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М: «Экзамен», 2007.

2.6. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 1. – М.: «Альфа-Пресс», 2007.

2.7. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2007.

2.8. Рынок труда: учебник / под ред. проф. В.С. Буланова и проф. Рынок труда: учебник / под ред. В.С. Буланова и Н.А. Волгина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М: «Экзамен», 2007

2.9. Экономика и социология труда: учебник./Под. Ред. Проф. А.Я. Кибанова. –М.: ИНФРА-М, 2007

2.10. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В. Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.

2.11. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избр произведения. — М.: Экономика, 1993.

2.12. Самуэльсон П. Экономика .Т.1. – М.: НПО Алгон, 1992.

2.13. Эренберг. Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика: Пер. с англ. - М: Изд-во МГУ, 1996.

2.14. Макконнелл К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Т. 2. – М.: Прогресс, 1992.

2.15. Маршалл А. Принципы политической экономии. – М.: Прогресс, 1983.

2.16. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Наука, 1993.

2.17. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения // Соч Т 1.Петрозаводск Петроком, 1993,

2.18. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: экономика, маркетинг, менеджмент / Р.А. Фатхутдинов.- М.: Издательство - книготорговый центр «маркетинг», 2002.

2.19. Руденко Г.Г. Специфика положения молодёжи на рынке труда / Г.Г. Руденко, А.Р. Савелов // Социологические исследования. - 2002.

2.20. Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ишин В.В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда: Учеб. пос. /Под ред. А. И. Рофе. -М: Изд-во «МИК», 1997.

2.21. Оукен В. Основные принципы экономической политики. – М. Прогресс, 1996

2.22. Найт Ф .Х. Риск, неопределенность и прибыль / Пер с англ М Дело, 2003.

2.23. Хейне П. Экономический образ мышления. – М.: Изд-во «Новости» при участии изд-ва «Catallaxy», 2001.

IV. Қўшимча адабиётлар

1. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1.1. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.

1.2. Абдурахмонов Қ.Х., В.Имомов. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. – Т.: “Академия”, 2008.

1.3. Абулқосимов Х.П., Минаварова Г.Т., Каримова Д.А. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2007.

1.4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълумотлар тарихи. – Т.: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти”, 2005

1.5. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши. – Т.: “Фан”, 2003.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – ватанамиз

таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.

1.7. Хўжаев Н., Каримов У. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти (маърузалар матни). – Т.: ТДИУ, 2005.

2. Илмий-амалий анжуманлар маъруза тўпламлари

2.1. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010.

2.2. “Социально – демографические процессы в современном Узбекистане”. Материалы Республиканской научно – практической конференции, посвященной 15-летию Международной Конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994 г.). Ташкент, 2009.

2.3. Международного научного бюллетеня “Perspective of Innovations, Economics and Business”, Volume 1, July 2009. Региональный фокус: Центральная Азия.

2.4. III Ежегодная студенческая конференция. Сборник тезисов докладов студентов бакалавриата и магистратуры. – Т.: Филиал РЭА им.Г.В.Плеханова в г. Ташкенте, 2009.

3. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялар

1. Ўзбекистонда тайёрланган диссертациялар

1.1. Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши. 08.00.10. – “Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Т.: 2008.

1.2. Шоюсупова Н.Т. Экономический механизм формирования и регулирования рынка труда в Узбекистане. Кандидатская диссертация. 08.00.10 “Народонаселение и экономика труда”. – Т.: 2001.

1.3. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш. Иқтисод фанлари докторлик диссертацияси. - Т.: ТДИУ. 1998.

2. Россияда тайёрланган диссертациялар

2.1. Безденежных Т.И. Занятость, рынок труда и конкурентоспособность рабочей силы: концепция, формы и методы управления на региональном уровне [Электронный ресурс] : дис. д-ра экон. наук : 08.00.05. - СПб.: РГБ, 2007. - (Из фондов Российской Государственной Библиотеки).

2.2. Кравцевич С.В. Развитие методов оценки конкурентоспособности работников на рынке труда [Электронный ресурс]: Дис. канд. экон. наук : 08.00.05.-М. : РГБ. 2005. - (Из фондов Российской Государственной Библиотеки).

2.3. Шатохин А.Г. Конкурентоспособность работников на рынке труда [Электронный ресурс]: Дис. канд. экон. наук : 08.00.01.-М.: РГБ, 2003 (Из фондов Российской Государственной библиотеки).

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 5.1. “Халқ сўзи” газетаси 2008-2010 йил сонлари.
- 5.2. “Бозор, пул, кредит” журнали 2008-2010 йил сонлари.
- 5.3. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали 2008-2010 йил сонлари.
- 5.4. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали 2008-2010 йил сонлари.
- 5.5. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2008-2009 йил сонлари.
- 5.6. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2008-2009 йил сонлари.
- 5.7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳисоботлари.
- 5.8. Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ҳисоботлари.
- 5.9. Самарқанд вилоят Статистика Бош бошқармаси ҳисоботлари.

VI. Интернет сайтлари

1. <http://www.prezident.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг веб-сайти.
2. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси веб-сайти.

3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти”
журналининг веб-сайти.

4. <http://www.mintrud.uz> - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва
аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг веб-сайти.

5. <http://www.samargand.uz> – Самарқанд вилоят ҳокимлиги веб-сайти.